

MILLIY ARMIYAMIZ YANGI O'ZBEKISTONNING MUSTAHKAM QALQONIDIR!

VATANPARVAR

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan

● 2023-yil 3-mart, №9 (3020)



BIZ
HAQIMIZDA

@ vatanparvar-bt@umail.uz

facebook.com/mudofaavazirligi

t.me/mv_vatanparvar_uz

instagram.com/mudofaavazirligi

t.me/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya

IJTIMOYIY-SIYOSIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, HARBIIY-VATANPARVARLIK GAZETASI

YURT QO'RIGANNING



6-7

YURTI
BUZILMAS!

HINDISTONLIK



8

HAMKASBLAR
BILAN TAJRIBA
ALMASHUV

«SUG'D» KEKSA




12

TURKIY SO'Z

18



O'ZIGA XOS
REKORD NATIJALAR



4-5 O'ZBEKISTON TAJRIBASI

XORIJLIK MUTAXASSISLAR E'TIBORIDA

www.mv-vatanparvar.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

2023 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Баҳор ва табиат уйғонишининг тимсоли, шарқона янги йилнинг бошланиши бўлган Наврўзи оламни баланд руҳ ва катта шодие билан нишонлаш азал-азалдан эл-юртимиз учун гўзал анъана ҳисобланади.

Халқимизнинг кўп асрлик эзгу қадриятларини, унинг орзу-интилишларини ўзида мужассам этган ушбу қутлуғ айём мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элатларга мансуб барча ватандошларимиз учун умумхалқ байрамга айланган.

Наврўзи оламнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган яхшилик ва бағрикенглик, аҳиллик ва ҳамжихатлик, атроф-муҳитни кўз қорачигидек асраб-авайлаш каби олижаноб ғоялар Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларнинг мақсад ва мазмунига тўла ҳамоҳангдир.

Ҳозирги кунда жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, дўстлик ва биродарлик туйғуларини мустаҳкамлаш, халқимиз, аввало, ёш авлодимиз қалби ва онгида Ватанимизнинг бугуни ва келажакига дахлдорлик туйғусини кучайтиришда Наврўз байрамининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Эл-юртимиз яшариш ва янгиланиш, меҳр-оқибат фасли сифатида эъзозлайдиган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан халқаро байрам деб эътироф этилган Наврўзнинг маънавий ҳаётимиздаги улкан ўрни ва таъсирини инобатга олиб, ушбу айёмни миллий қадрият ва урф-одатларимизга уйғун тарзда, ҳар томонлама муносиб даражада нишонлаш мақсадида:

1. 2023 йилги Наврўз умумхалқ байрами мамлакатимизда «**Ҳар кунинг Наврўз бўлсин, жонажон Ўзбекистоним!**» деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳ ва юксак савияда нишонлансин.

2. Кўйидагилар:
2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича

ташкилий кўмита таркиби 1-иловага мувофиқ;

2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш бўйича «**Йўл харитаси**» 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий кўмита 2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш бўйича «Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳамда ушбу айёмнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида кенг нишонланишини таъминласин.

3. Байрам тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда кўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз айёмига хос янгиланиш ва бунёдкорлик руҳини, она заминга меҳр ва эътибор, инсон ва табиат ўртасидаги уйғунликни ифода этадиган, кишиларни бугунги тинч ва фаровон ҳаётни қадрлаб, атроф-муҳит ҳамда унинг неъматларини асраб-авайлашга, эзгу орзу-мақсадлар билан яшашга ундайдиган маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш;

мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва инсон қадрини улуғлаш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, халқимизнинг ҳаёти, дунёқарашида юз бераётган ижобий ўзгаришларни Наврўзнинг азалий қадрият ва анъаналари билан мувофиқ тарзда, таъсирчан бадий воситалар орқали амалга ошириш; ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз байрами арафасида барча шаҳар ва қишлоқларда, овул ва маҳаллаларда умумхалқ ҳашарлари, кенг қамровли ободчилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

халқимизга хос бўлган меҳр-мурувват фазилатларини давом эттириш, муҳтарам нурониларимизни ҳар томонлама эъзозлаш, Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат

уйларида яшаётган кишиларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож фуқароларга бегараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини ўтказиш;

юртимизда миллатлараро дўстлик ва фуқаролараро тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш, шу мақсадда амалга оширилаётган тизимли ишларнинг амалий натижаларини, Ўзбекистон фуқароси бўлган турли миллат ва элатлар вакиллари томонидан Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга оид тадбирларни ташкил этиш ва кенг ёритиш;

жойларда бўлиб ўтадиган сайилларга фольклор гуруҳлари, бадий ҳаваскорлик жамоалари, дорбозлар ва бахшилар, шунингдек, истеъдодли анъанавий ижрочилар ва эстрада артистларини жалб этиш;

Наврўз сайилларининг дастурларини тайёрлашда қадимий урф-одатларимиз ва халқ ўйинлари, маданий меросимизнинг ёрқин намуналари бўлган куй ва қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш;

байрам тадбирлари доирасида ҳунармандчилик кўргазмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш, китоб расталари, кўчма савдо дўконларини ташкил қилиш, кўклам таомларини тайёрлаш ва уларнинг савдосини йўлга қўйиш; оммавий ахборот воситаларида Наврўзнинг тарихи ва моҳиятини, ҳудудларда, шунингдек, чет эллардаги ватандошларимиз давраларида байрамни нишонлаш бўйича шаклланган урф-одат ва анъаналарни кенг ёритиш.

4. Маданият ва туризм вазирлиги (О.А. Назарбеков):

Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М. Ҳожиматов), Ёзувчилар уюшмаси (С.С. Саидов) билан биргаликда **бир ҳафта мuddатда** Тошкент шаҳрида Наврўз байрамга бағишлаб ўтказиладиган театрлаштирилган концерт томошасининг дастури ва сценарийсини ишлаб чиқсин;

мазкур концерт томошасини тажрибали сценарист ва режиссёрлар, композитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакиллари жалб этган ҳолда юқори бадий савияда тайёрлаш чораларини кўрсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари **бир ҳафта мuddатда** Наврўз умумхалқ сайилларига ҳар томонлама муносиб тайёргарлик кўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича ҳудудий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Белгилансинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари билан боғлиқ харажатлар:

Тошкент шаҳрида – республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – тегишли маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ҳомийлик хайриялари ҳисобидан қопланади.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Дунё» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.Қ. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 1 март

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарида (кейинги ўринларда – давлат иштирокидаги корхоналар) корпоратив бошқарувни жорий этиш, уларнинг операцион самарадорлигини ошириш ва очиклигини таъминлаш бўйича тизимли ишларни давом эттириш, шунингдек, давлат иштирокидаги корхоналарнинг бозор механизмларига ўтишини жадаллаштириш мақсадида:

1. 2023–2025 йилларда ислоҳ қилинадиган ва операцион самарадорлиги ошириладиган давлат иштирокидаги йирик корхоналар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги (кейинги ўринларда – Стратегик ислохотлар агентлиги) мазкур корхоналарни ислоҳ қилиш вазифаси юклансин.

2. Белгилансинки:
Стратегик ислохотлар агентлиги «UzAssets» инвестиция компанияси» АЖ (кейинги ўринларда – «UzAssets» инвестиция компанияси) ва мазкур қарорга иловада кўрсатилган давлат акция пакетига қўрилган давлат акция пакети (улуши) бўйича **акциядор (иштирокчи) функциясини амалга оширади**;

мазкур қарорга иловада кўрсатилган давлат иштирокидаги корхоналар устав капиталидаги давлат акция пакетлари (улушлари) «**UzAssets**» инвестиция компаниясига бошқарувга берилди;

«UzAssets» инвестиция компанияси томонидан унга бошқарувга берилган корхоналарнинг ижроия органи ва кузатув кенгаши аъзоларини тайинлаш ҳамда соф

фойдани тақсимлаш масалалари юзасидан қарорлар белгиланган тартибда **келишилган ҳолда қабул қилинади**;

«UzAssets» инвестиция компанияси томонидан халқаро консалтинг, аудиторлик ва инвестиция маслаҳатчилари, инвестиция банклари ва бошқа ихтисослашган компанияларни жалб этиш энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида амалга оширилади. Бунда улар билан тузиладиган шартномаларни экспертизадан ўтказиш талаб этилмайди;

давлат хизматчилари давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгаши таркибига киритилиши мумкин, ушбу корхоналар фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ва уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш вазифалари юкланган давлат органларининг ходимлари (давлат органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларидан ташқари) бундан мустасно; бошқариладиган инвестиция активлари ўртача йиллик қийматининг камида 5 фоизи миқдорига ўз моддий активларига эга бўлиш тўғрисидаги талаб «UzAssets» инвестиция компаниясига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Стратегик ислохотлар агентлигининг «UzAssets» инвестиция компанияси кўйидаги қўшимча вазифаларни юклаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

иктисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик корхоналарни **ислоҳ қилиш**, шу жумладан, экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (**ESG**) **тамойилларини жорий этиш ҳамда хусусий секторни жалб қилиш**;

корхоналарнинг рентабеллиги ва операцион самарадорлигини ошириш,

молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда **бизнес-жараёнларни оптималлаштириш**;

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг корпоратив бошқарув бўйича тавсияларини жорий этиш орқали ўзига бошқарувга берилган корхоналарнинг **самарали бошқарилишини ва барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда уларнинг қийматини ва инвестицион жазибдорлигини ошириш**;

ўзига бошқарувга берилган корхоналарнинг ижроия органи ва кузатув кенгашига маҳаллий ҳамда хорижий **малакали менежерларни жалб қилиш**.

4. Стратегик ислохотлар агентлиги ва «UzAssets» инвестиция компаниясининг давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш ва бошқариш билан боғлиқ харажатларини молиялаштириш манбалари этиб кўйидагилар белгилансин:

мазкур қарорга иловада келтирилган давлат иштирокидаги корхоналар томонидан давлат улуши бўйича ҳисобланган дивидендлар (бундан қонун ҳужжатларига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказиладиган қисми мустасно);

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Давлат активларини бошқариш агентлиги, тегишли вазирлик ва идоралар икки ҳафта мuddатда мазкур қарорда назарда тутилган ўзларига тегишли акция пакетлари (улушлари) Стратегик

ислохотлар агентлигига ўтказилишини таъминласин.

6. Стратегик ислохотлар агентлиги (Ш. Вафаев):

а) **бир ой мuddатда**: «UzAssets» инвестиция компанияси ташкилий тузилмаси ва ички корпоратив ҳужжатларини тасдиқласин, ижроия органи ва кузатув кенгаши таркибини шакллантирсин;

«UzAssets» инвестиция компанияси томонидан унга бошқарувга берилган ҳар бир корхонага консультантлар жалб қилинишини таъминласин ва корхоналарни ислоҳ қилиш графигини тасдиқласин; Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин;

б) **икки ой мuddатда** «UzAssets» инвестиция компаниясининг самарадорлик муҳим кўрсаткичларини назарда тутган ҳолда, унинг бизнес-режасини тасдиқласин;

в) **2023 йил 1 июлга қадар** «UzAssets» инвестиция компанияси томонидан унга бошқарувга берилган корхоналарнинг бизнес-режалари қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 1 март

(ЎЗА)

ОЛИЙ МАЖЛИС
 СЕНАТИДА МУДОФАА
 ВА ХАВФСИЗЛИК
 МАСАЛАЛАРИ
 ҚЎМИТАСИ ИШЧИ
 ГУРУХИНИНГ
 ЙИГИЛИШИ
 БЎЛИБ ЎТДИ.

ҚОНУННИНГ ҚИЗГИН МУҲОКАМАСИ



Унда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашлари доимий комиссиялари раислари, қўмита ҳузуридаги экспертлар гуруҳи аъзолари, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, Миллий гвардия ҳамда бошқа бир қатор вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»-ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Муҳокама қилинган янги таҳрирдаги қонун билан Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилишга масъул бўлган вазирлик ва идораларнинг ўз ваколати доирасида белгиланган вазифаларни бажаришида юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларга барҳам берилиб, уларнинг ўзаро ҳамкорлик масалалари аниқ белгилаб қўйилди. – Халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдид солаётган хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш

устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Зеро, дунёда бузғунчи тўдалар ва қўпоровчи-террорчи гуруҳларнинг фаоллашуви, ижтимоий-иқтисодий муаммолар, сиёсий ва миллатлараро зиддиятларнинг кескинлашиб бораётгани ҳар биримизни сергакликка чорлайди, – дейди Мудофаа вазирлиги масъул офицери полковник Отабек Камолов. – Интеграция жараёнлари жадал кетаётган бир пайтда дунёнинг энг ривожланган давлатлар чегара идоралари ҳам бошқа субъектларнинг ҳамкорлигисиз чегара хавфсизлигини таъминлай

олмаслигини эътироф этмоқда. Шу маънода ушбу тадбир ўзаро ҳамкорлик масалаларига ойдинлик киритгани билан ҳам аҳамиятли бўлди. Қонун 9 та боб, 73 та моддадан иборат. Нимага хизмат қилиши, унга киритилаётган янгиликлар ҳақида батафсил маълумот олган вазирлик ва идоралар вакиллари муҳокама қилинаётган қонун бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. **Капитан Азиз НОРҚУЛОВ, «Vatanparvar»**

✓ **НАМКОРЛИК**

ЎЗАРО КЕЛИШУВ ИМЗОЛАНДИ

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ҲАРБИЙ МЕРОС ВА ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ ЎРТАСИДА ИЛМ-ФАН, ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК Тўғрисидаги келишув имзоланди.



Келишувдан кўзланган мақсад, монографиялар, рисола, услубий қўлланмалар, илмий нашрлар, йўл кўрсаткичлар, ҳужжатли фильмлар ва видеороликларга сценарийларни ҳамкорликда тайёрлашга институт ва музей ходимларини жалб этишдир. Шунингдек, халқаро ва республика конференциялари, семинар-

лар ва давра суҳбатларини ташкил этиш ва ўтказиш, музей фондларида сақланаётган тарихий манбаларни ўрганиш ва улардан илмий-маърифий йўлларда унумли фойдаланиш, институт ва музей кутубхоналарини тарихий-даврий нашрлар билан бойитиш борасида ҳамкорлик қилишдир. **Ўз мухбиримиз**



Ўзбекистон тажрибаси хорижлик

Мамлакатимизда ўттизга яқин хорижий давлат элчихоналарининг ҳарбий атташелари аккредитациядан ўтган ва улар Мудофаа вазирлиги билан ўзаро ҳамкорлик қилиб келади. Ҳамкорлик режасида хорижий давлатлар элчихоналари ҳарбий атташеларини миллий армиямизда олиб борилаётган ислохотлар билан яқиндан таништириш, ўзаро дўстона қўшма машғулотлар ташкиллаштириш, ҳарбий таълим соҳасида тажриба алмашиш ва бошқа йўналишларда алоқаларни мустаҳкамлаш каби муҳим жиҳатлар ўрин олган.

Германия, Хитой, Корея, Беларусь, Россия, Қозоғистон давлатларининг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳарбий атташелари Мудофаа вазирлиги тоғ тайёргарлиги ўқув машқлар маркази фаолияти билан таништирилди. Марказ билан танишув жараёни эрта тонгдан бошланиб, деярли кечгача давом этди. Чунки бу ерда ҳарбий хизматчиларнинг касбий маҳоратини ошириши учун яратилган ўқув нуқталари, ётоқхона ҳамда ўқув синфларидаги шарт-шароитлар, чанғи учиш трассаси, ўндан ортиқ қояга чиқиш, вертолётдан тушиш тренажери меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Ўқув нуқталари ва тренажёрларда ҳарбий хизматчилар томонидан бажарилган машқларни

диққат билан кузатган хорижий давлатлар ҳарбий атташелари уларнинг ҳар бир ҳаракатидан ҳайратлангани яққол кўриниб турди.

Қалин қор қоплаган тоғли ҳудудда узоқ масофага марш юриш, отиш машқлари, ягона тўсиқлар йўлагидан ўтиш, тик қояга кўтарилиш, чанғичилар гуруҳининг тепаликка ва пастга жанговар қуроллари билан ҳаракатланиши, отлик гуруҳи томонидан белгиланган нуқтага зарур юкларни етказиш, чанғи ёрдамида парашютда учиш. Ҳарбий хизматчилар томонидан бажарилган бу каби машғулотларни мутахассислар кузатув пунктида таҳлил қилиб боришди. Шундоққина кузатув пункти ёнида экстремал вазиятларда яшовчанлик қобилиятини

синовдан ўтказувчи иглу (қордан ясалган эскимослар уйи) ҳам меҳмонлар этиборидан четда қолмади.

Чанғи учиш трассасида ҳарбий хизматчилар билан ёнма-ён шуғулланаётган болакайлар эса хорижлик меҳмонларни янада қизиқтириб қўйди. Уларга ҳамроҳлик қилган масъул офицерлар марказда нафақат ҳарбий хизматчилар, балки уларнинг фарзандлари, маҳаллий ёшлар, ҳатто пойтахтда фаолият кўрсатаётган тўгарак тарбияланувчилари ҳам бемалол шуғулланишлари мумкинлигини, бу орқали уларни ёшлиқдан Ватанга садоқат руҳида тарбиялаб, Ўзбекистон шарафини халқаро ареналарда муносиб ҳимоя қиладиган бўлғуси чемпионлар етишиб чиқишига Мудофаа вазирлиги томонидан кенг имкониятлар яратилаётганини айтиб ўтишди. Шундан сўнг ҳарбий атташелар бир муддат чанғи учаётган ўғил-қизларнинг маҳоратидан баҳраманд бўлишди. Германиялик Франк Вайзе ҳарбий акалари билан энг юқори нуқтадан тоғ-чанғи спортининг катта слалом йўналиши бўйича тажрибасини ошираётган чирчиқлик 5-синф ўқувчиси Лиана Қудратова жасоратига тан берган ҳолда, «Бу қизалоқ келгусида жаҳон спортининг юлдузларидан бири бўлади», дея олқишлаб қўйди.

Тадбир якунида ҳарбий атташелар ва офицерларимиз ўртасида камондан ва пневматик милтиқдан отиш мусобақаси ташкиллаштирилди. Камондан отиш баҳсида марказ бошлиғи майор Фаррух Тошев мерганлиги мезбонларнинг ғалабасини таъминлаган бўлса, пневматик қуролдан отиш мусобақасида дуранг натижа қайд этилди.





Мутахассислар Эътиборида

Пак Ан Со, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳарбий атташеси:

– Ўзбек ҳарбийларига ўхшаб чап билагимга Ўзбекистон байроғини тақиб юрганимга ажабланишсизми? Бу байроқни менга совға қилишган. Ўнг билагимда эса ўз давлатим байроғи. Икки давлат ўртасида ўрнатилган дўстона алоқаларни шу тарзда ифодалашдан мамнунман. Тоғ тайёргарлиги ўқув машқлар маркази билан яқиндан танишув жараёнида бу борада кўплаб ютуқларга эришганимизга гувоҳ бўлдим. Дастлаб кузатув пунктида ўзбек ҳарбийлари бажарган бир-биридан мураккаб машқларни тақдимот учун намойиш этилган лавҳалар, деб ўйлагандим. Бироз кейин алоқа орқали машқларни биз учун такрорлаш ҳақидаги топшириқлар ва мониторингдаги вақтни кўрсатувчи рақамлардан воқеалар реал ҳолатда бажарилаётганига гувоҳ бўлдик. Хуллас, барчаси ажойиб. Ҳарбий хизматчилар билан ёнма-ён шуғулланаётган болакайлارни айтмайсизми. Бу ерда бизга болажонлар мавсумий тоғ-чанги спорти ва қояга кўтарилиш машғулотларини ўташини айтишди. Ўрганишга ва тажрибада қўллашга арзийдиган ҳолат. Бу ерда кўрганларимизни ўзимизда ҳам татиб этишга ҳаракат қиламиз. Ўқув синфларини кузатиш жараёнида ўзбек ҳарбийларининг турли давлатлар вакиллари билан ўтказган қўшма машғулотлари акс этган суратларни кўрдим. Ишонманки, тез орада улар қаторидан корейлик ва ўзбекистонлик ҳарбийларнинг биргаликдаги суратлари ҳам ўрин олади.



Ҳа, айтганча, камондан ва пневматик милтиқдан отиш мусобақаси ҳамда квадроцикл бошқаришда имкониятларимни синаб кўрдим.

Хорижий давлатлар ҳарбий атташелари гувоҳ бўлганидек, «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув машқлар маркази имкониятлари ҳам, у ерда яратилган шарт-шароитлар ҳам бугунги кун талабларига тўла жавоб бера олади. Марказда мавсумий ҳамда об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб, машғулотлар тизимини турлича ташкиллаштириш мумкин. «Саридала», «Олтинкон», «Тошқўрғон» каби унинг ҳудудий ўқув базаларининг ишга туширилиши ва уларда турли мусобақаларнинг мунтазам

ўтказилиши муваффақиятлар жараёни янада жадаллаштиради. Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлигини янада ошириш мақсадида ҳарбий альпинизмнинг Қуролли Кучлар таркибига кириб келиши бу борада эришилган ютуқлардан бири эканлигига ҳарбий атташелар ишонч ҳосил қилишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув машқлар маркази Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги миқёсидаги машғулотлар ва мусобақалар билан чекланиб қолмайди. Марказда барча куч тузилмалари ҳарбий хизматчилари режага асосан, жанговар маҳоратларини ошириб боришади. Бундан

ташқари, юқорида таъкидланганидек, марказда турли болалар ва ўсмирлар тўғараклари аъзоларининг Икром Назаров, Константин Бойцов сингари тажрибали устозлар, Аброр Назиров, Рустам Тоғаев, Зафар Холжигитов, Содик Ниязимбетов, Абдумухтор Абдуғаниев, Карим Муҳиддинов, Иқболжон Камолов, Ислам Ўктамов, Хусниддин Ҳизралиев, Жўрабек Худойбердиев каби ҳарбий мутахассислар иштирокида маҳорат сабоқларини ўташ имкониятлари мавжуд.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, хорижий давлатлар элчихоналари ҳарбий атташелари Мудофаа вазирлиги, қолаверса, Қуролли Кучлар тизимида йўлга қўйилган «Уч авлод учрашуви» лойиҳаси асосида олиб борилаётган ишлар ва бу орқали ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган эътибор тўғрисида ҳам маълумотларга эга бўлди. Меҳмонлар «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув машқлар марказида амалга оширилаётган бу каби эзгу ишларнинг бир кунлик жараёнлари билан яқиндан танишишди.

Асрор РЎЗИБОЕВ,
«Vatanparvar»



АДИР БЎЙЛАБ ТОҒ ТОМОНГА ЧИҚИБ
БОРАР ЭКАНМИЗ, ДИМОҒИМИЗГА ИЛИҚ
БАҲОР НАФАСИ УРИЛДИ. ТУНДА ЁҚҚАН
ШАРРОС ЁМҒИРДАН ТОНГГА БОРИБ АСАР
ҲАМ ҚОЛМАДИ. КУРТАК ЁЗГАН БОДОМ
ДАРАХТЛАРИДАН ЧАК-ЧАК ТОМАЁТГАН
ШУДРИНГ ОНА ЗАМИН ТУПРОҒИГА
ТУШИШИ БИЛАНОҚ ЕР БАҒИРЛАБ
СИНГИБ КЕТМОҚДА. ҚИР-АДИР
ЯШИЛЛИККА БУРКАНГАН. ТАБИАТНИНГ
БУ АЖИБ УЙҒОНИШИДАН ТЎЙИБ БАҲРА
ОЛГИНГ КЕЛАДИ. БУ ЙИЛ УЙҒОНИШ
ФАСЛИ БЎЛГАН БАҲОР ҲАР ЙИЛГИДАН
ЭРТАРОҚ КЕЛДИ.

– Дикқа-аат! Киришилсин!

Машғулот раҳбарининг кўрсатмалари асосида вазифасига киришган ҳарбий хизматчилар белгиланган нуқталарга жойлашиш учун тарқалаётган пайтда баҳорий хаёлларим улар сингари тарқалиб кетди. Шарқий ҳарбий округ шахсий таркиби ҳамда куч тузилмалари билан ҳамкорликда ўтказилиши режалаштирилган жанговар тактик-ўқув машғулотлари шу тариқа бошланди.

Аслида ҳаммаси тунда бошланган эди. Машғулот шартига кўра, бир неча юзлаб километр масофада давлатимиз чегарасини ноқонуний бузиб кирган шартли душман бўлинмаларини тўхтатиш ва яқсон қилиш бўйича ўқув-жанговар вазифа олган округ шахсий таркиби эрта тонгда «Йиғин» сигнали асосида ҳаракатга келтирилди. Барча техникалар сафарга



шайланди. Сигнал бўйича тегишли кўрсатмаларни олган шахсий таркиб ҳарбий ва жанговар техникаларни паркдан чиқариб, «Шўрсув» полигонига, бир вақтнинг ўзиде эса бошқа бир батальон тактик гуруҳи «Фарғона» дала-ўқув майдонига марш амалга оширди.

Шахсий таркиб ҳарбий техникаларни платформаларга жойлаш вазифасини мусобақа тарзида ўтказди. 7 дақиқадан 12 дақиқача вақт оралиғида яхши натижа кўрсатган экипаж ҳарбий қисм командири томонидан рағбатлантирилди.

Жараён бир вақтнинг ўзиде Андижон ҳамда Сўх гарнизонларида ҳам олиб борилди. Дастлаб бу ерда ҳам шахсий таркиб ҳарбий техникаларни ҳаракатга келтирди. Сўнгра зирҳли техникалар колоннаси дала-ўқув майдони томон йўл олди. Таъкидлаш жоизки, машғулотлар давомида ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигига ҳар томонлама баҳо бериб борилди.

Жанговар тактик-ўқув машғулотининг навбатдаги кунда бўлинмалар Фарғона,



ЮРТ ҚЎРМИГАНИНГ



ЮРТИ БУЗИЛМАС!



Андижон, Сўх ва Шўрсув дала-ўқув майдонларига жойлашиб, ҳудуд қўриқлови, муҳофаза ва таъминотни ташкил этиш бўйича машғулотлар олиб борди ҳамда шахсий таркиб белгиланган жойларни тайёрлаш ва жиҳозлашга киришди.

Ҳарбий қисм қўмондонлик пункти ҳамда дала-ўқув майдонида жойлашган бўлинмалар ва ҳамкорликдаги куч тузилмалари билан тўғридан-тўғри видеомуллоқот орқали машғулотларнинг олиб борилиши кузатиб борилди.

Ўқув машғулотларининг асосий жараёнлари куч тузилмалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган режага асосан, дала-ўқув майдонларида олиб борилди. Унда чегарани бузиб ўтган шартли душман ҳақида учувчисиз учиш қурилмалари асосида разведка маълумотлари йиғилди. Кейинги навбатда мудофаа чизиғидан ўнлаб километр ичкарида турган артиллерия бўлинмаларининг нишонларни яқсон этиши намойиш қилинди. Артиллерия оғир тўплари ёрдамида ёпиқ ўт очиш позицияларидан очилган ўт шартли душман жанговар техникаларини нишонга олди.



Артиллерия ўтини бошқариш ва нишонларни аниқ кўрсатишда кўмак берган учувчисиз учиш аппаратининг имкониятлари мазкур жангда тўлиқ намойиш қилинди. Барча турдаги қуроллардан ўқ узилиб, шартли душман кучлари яқсон этилди. Ўзаро ҳамкорлик ва уюшқоқлик тактик-ўқув машғулотининг муваффақиятли бажарилишига замин яратди.

Албатта, жанг талафотсиз бўлмайди. Мазкур жанговар тактик-ўқув машғулотидан шартли ярадорларнинг ўзига ўзи ва сафдошига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши, жанг майдонидан жабрланганларни эвакуация қилиш бўйича ҳарбий тиббиёт ходимларининг ҳаракатлари амалда кўрсатиб берилди.

Майор Аҳаджон Ҳусенов: – Ҳар қандай машқларнинг асосий мақсади бўлинмалар ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш,

уларнинг уюшқоқлиги ва жипслигини мустаҳкамлашдан иборат. Бу эса, ўз навбатида, шахсий таркибнинг тезкорлигини ошириш ҳамда жанговар шайликдан оқилонга фойдаланиш имконини беради. Мазкур машғулотда шахсий таркиб жанг майдонида бир тану бир жон бўлиб, реал жанг шароитларига яқинлаштирилган ҳолда касбий малакаларини оширишди.

Машғулотларнинг навбатдаги кунда Мудофаа вазирлиги, Фарғона вилояти бўйича Миллий гвардия бошқармаси, вилоят ички ишлар, фавқулодда вазиятлар бошқармалари ҳамкорлигида махсус-тактик ўқувлар ўтказилди. Унда шартли равишда кўп қаватли бинода гаровга олинганларни озод этиш, блок-постга қилинган ҳужумни ҳамкорликда қайтариш, мерганлар жуфтлиги ҳаракати ва аҳоли яшаш пунктида шартли душманни яқсон қилиш,



фавқулод пайтида олиб бориладиган техник ишлар ҳамда ёнғинни тезкор ва беталафот ўчириш бўйича махсус ҳаракатлар намойиш этилди.

Жараёнларда иштирок этган Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм шахсий таркиби ҳам вилоятдаги ўта муҳим объект ва иншоотларнинг қўриқлиниш жараёнларини кучайтирилган тизимда олиб борди. Ушбу объектларда ҳам реал жанговар вазиятга яқинлаштирилган ўқув машғулотлари ўтказилди. Унда Мудофаа вазирлиги ҳамда ҳамкорликдаги куч тузилмалари яқдил ва ишончли ҳаракат олиб бориб, ўзларига бириктирилган вазифаларни тўлақонли бажарди.

Андижон ва Сўх гарнизонларида ҳам бўлинмаларга жанговар техникалар, гуруҳ ва шахсий қуроллардан фойдаланиб, шартли душманни аниқлаш ҳамда йўқ қилиш вазифаси берилди. Ҳарбий хизматчилар ушбу берилган вазифани аъло даражада бажариб, нишонларни юқори аниқлик билан йўқ қилишга эришди. Машғулотлар давомида ҳарбий хизматчилар реал вазиятларга яқинлаштирилган жанг ҳолатида ҳаракатлашни янги услубларини ўзлаштириб, касбий кўникмаларини мустаҳкамлади.



Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Vatanparvar»

ҲИНДИСТОНЛИК ҲАМКАСБЛАР билан тажриба алмашув

Ҳиндистоннинг Уттаракханд штатидаги тоғли ҳудудда жойлашган Питхорагарх шаҳри яқинидаги Бадлани қишлоғида жойлашган 438-мотоўқчилар полки ҳудудда 14-Garhwal Rifles батальони ҳарбий хизматчилари ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар билан биргаликда тўртинчи бор ўтказилаётган «Дўстлик – 2023» ўзбек-ҳинд ўқув машғулотида билим ва тажрибалари билан ўртоқлашмоқда.



Дастлабки машғулотларда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари ҳиндистонлик ҳамкасбларига она диёримизнинг гўзал ва бетакрор тарихий обидалари, халқимиз маданияти, санъати, юртимиз салоҳияти ҳамда Қуролли Кучларимиз қудрати ҳақида медиа махсулотлари орқали намойиш этишди.

Кейинги ўқув машғулотида тоғ ёнбағрида ҳиндистонлик ҳарбий хизматчилар турли ҳудудларда механик ва бошқариладиган қўлбола портлатувчи ҳамда сигнал берувчи воситаларни ўрнатишнинг ўзига хос томонларини амалда кўрсатиб берди. Машғулотда турли имитацион воситалар қўлланилгани ҳамда ҳар хил усуллардан фойдаланилгани боис, жудаям қизиқарли ва сермахсул кечди.

Навбатдаги ўқув жойида махсус тўсиқли йўлакдан ўтиш тартиби бўйича машқлар бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, бу каби тўсиқли йўлақлар Ўзбекистоннинг барча полигонлари, ҳарбий қисм ва таълим муассасаларида бунёд этилгани боис, юртимиз ҳарбий хизматчилари учун янгилик бўлмади. Аксинча, кўргазмалар тарзда ушбу тўсиқли йўлакдан ўтишни кўрсатишга шайланган ҳиндистонлик ҳарбий хизматчиларга ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар ҳам қўшилиб, биргаликда мураккаб йўлакдан ўтиш амалларини бажаришди.



Тоғли ҳудудларда ўтувчанлик қийин бўлган жойлардан юк ва ҳарбий анжом-аслаҳаларни олиб ўтиш ҳамда қояларга чиқиб-тушиш машғулотлари давомида ҳиндистонлик ҳарбий хизматчилар томонидан мавжуд бўлган альпинистик қоя ва «Ўргимчак тўри» дея номланган ва турли усулларда тепаликка чиқиб-тушишни машқ қилишга мўлжалланган ўқув нуқтасида кўргазмалар машғулоти ташкил этилди. Албатта, кўргазмалар намойиш давомида ҳарбий альпинизм ривожланган Ўзбекистон армиясининг қизиққон ҳарбий хизматчилари бундай мураккаб машқларни ўзлари ҳам бирин-кетин бажариш орқали ҳиндистонлик ҳамкасблари билан тажриба ва маҳоратларини оширди.

Навбатдаги ўқув нуқтасида Ҳиндистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари томонидан қурол ҳамда бошқа воситалар ёрдамида ҳужум қилинганда қўл жанги элементларини қўллаш орқали яққалик жангда шартли душман зарбасини қайтариш ва унга шикаст етказиш бўйича очиқ осмон остида маҳорат дарси ўтказилди. Шундан кейин Ўзбекистон ҳарбий континентининг бир гуруҳ вакиллари ҳам тажриба алмашиш мақсадида ҳиндистонлик ҳамкасбларига армия қўл жанги ҳамда пичоқ билан жанг қилиш санъатининг усулларини намойиш этишди. Ҳар бир усул ва уни қўллашнинг аҳамияти ҳақида ўзбек ва инглиз тилларида шарҳлар етказиб турилди.

Кейинги ўқув жойида тоғли ҳудуддаги ўрмонзорда жуфтликда ҳаракатланиб бажарилган жанговар тайёргарлик машғулотлари намойиш этилди. Унда Ҳиндистон вакиллари кўргазмалар тарзда чакалатор орасидан пайдо бўлувчи нишонларни сиёҳли шарчалар билан отадиган пневматик милтиқ ёрдамида йўқ қилиш усулларини кўрсатиб, мураккаб машқни бажаришдаги аҳамиятли жиҳатлари ҳақида сўзлаб беришди.

Подполковник Тимур НАРЗИЕВ
Уттаракханд штати, Ҳиндистон

Биринчи бўлиш бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди. 2022 йил Таэквондо WT йўналишида жаҳонда тенгсизлигини исботлаган Светлана Осипова юртимизнинг ҳам биринчи ва ҳозиргача ягона чемпион аёл таэквондочиси сифатида тарихга муҳрланди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, Мудофаа вазирлиги олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази спортчиси, Қуролли Кучлар хизматчиси сифатида фаолият юритаётган 22 ёшли Светланага 2022 йил жуда омадли келди. У «Миллий спорт мукофоти – 2022» маросимида «Йилнинг энг яхши аёл спортчиси» дея эътироф этилди.

«Доим охиригача курашаман»



СПОРТ ДОИМ ЁРДАМ БЕРАДИ

Таэквондо билан шуғулланишни бошлаганимда 15 ёшда эдим. 2015 йили дадамнинг тавсияси билан мураббий қўлига борганимда спортдан умуман хабарим бўлмаган. Ушанда дадам менга

агар ёқ-маса, кейинчалик бемалол ўзгартириш имконим борлигини айтганди. Онам ва бошқа айрим қариндошларимизнинг қаршилигига қарамасдан, машғулотларга қатнай бошладим. Аксига олиб, залда мени мураббийдан бошқа ҳеч ким тушунмасди. Миллатим рус бўлгани учун ўзбек тилини билмаганман. Анча қийналганимдан кейин, тил ўрганишга қарор қилдим. Луғатлар олдим, ўзбек тилидаги фильмларни томоша қилдим. Бу ҳаракатларим натижа берди ва мен бемалол сўзлаша бошладим. Тўғри, соф адабий тилда гапира олмайман, аммо дўстларимни тушуниб, уларга ҳам ўз фикримни эркин ифода этаман. 2019 йили Зулфия номидаги давлат мукофотини олганман. Ушанда ҳайъат аъзоларига ўзбек тилида шеър айтиб берганимда, улар ҳайратланган эди.

Аксарият инсонлар ўйлайдики, спорт билан шуғулланиш кўп вақтни олади ва бошқа вазифаларни бажаришга имкон қолмайди. Тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, спорт билан шуғулланиш ҳар доим инсонга ёрдам беради. Тана соғ бўлса, маънавий озуқа олиш учун имкониятлар эшиги кенг очиларкан.

МУТОЛАА...

Бўш вақтим бўлди дегунча китоб мутолаа қиламан. Асосан яхши кўриб ўқийдиган жанрларим детектив, драма ва психологияга оид илмий ва бадий асарлар. Инсоният борки, жумбоқли воқеа-ҳодисалар ва уларнинг ечимига бўлган қизиқишлари сўнмаган, сўнмайди ҳам. Драмани севиб ўқишимнинг сабаби, ёшим билан боғлиқ бўлса керак, деб ўйлайман. Психологияга оид бадий ва илмий асарларга касбим сабаб доимий эҳтиёжим бор. 2021 йили Токиода бўлиб ўтган олимпиада мен учун омадсиз бўлди. Жуда тушкунликка тушиб қолдим. Стресс, ҳатто депрессия ҳолатини бошимдан ўтказдим. Қайта оёққа туришим ва спортга қайтишим учун яқинларим, мураббийларим ва психологияга оид асарлар мутолааси кўмак берди. Табиатан кузатувчанман. Ҳар бир инсоннинг ички кечинмалари, хатти-ҳаракатлари ва сўзлашувдаги оҳангларига қараб туриб, нима-ларнидир билгим келади. Аксарият ҳолларда ўша инсонга зимдан қўйган психологик ташхисим тўғри бўлиб чиқади. Агар катта спортдан кетадиган вақтим келса, психолог сифатида ҳам ўзимни синаб кўриш ниятим йўқ эмас. Балки мураббий, балки психолог сифатида спортчиларни руҳлантирадиган мотивациялар бериб, ғалабаларига ўз ҳиссамни қўшарман.

ТАРИХДА НОМИНГ ҚОЛИШИ...

Ўтган йили Мексикада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида қатнашдим. Бошида АҚШ вакиласи билан кейин австриялик спортчи билан куч синашиб, икковини ҳам енгиб, ярим финалга чиқдим. Ҳаяжон жуда кучли. Мураббийим билан гаплашарканман, менда чемпион бўлиш учун имконият борлигини уқтирарди. Аслида, ҳар қандай катта мусобақаларга борганимизда биринчи галда гуруҳдан чиқишни ўйлаймиз. Кейин учинчи ўрин учун, ундан кейин эса, биринчи ўринни олишга бўлган курашлар бошланарди. Бу сафар ярим финалдан ва биринчи ўринни олишим керак, деган ҳис-туйғу тинчлик бермасди.

Ўйлаб кўринг, Мексикада бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионати, дунёнинг энг сараланган таэквондочилари жамланган арена. Ким хоҳиш-истакларимизга қараб ўтирарди. Барча давлат вакиллари жон-жаҳди билан курашарди. Таэквондо нафис спорт тури эмаски, хоҳиш билан натижага эришиб бўлса. Бунинг устига

ўтган йилларда «COVID – 2019» сабаб кўпгина мусобақалар бекор қилинган. Ўй-хаёлларимда битта фикр айланарди: «Балки бундай имконият бошқа такрорланмас, шу имкон сўнгиси бўлиши мумкин-ку!» Финал баҳслари бошланди. Исроиллик спортчи Дана Арзани 3 раундда 2:1 ҳисобидаги натижа билан мағлубиятга учратиб, Жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлдим. Бир муддат нима бўлганини тушунмай қолдим. Инсон жуда хурсанд бўлиб кетса ҳам, ўнг ёки туш эканлигини ажратиб учун қанчадир сониялар керак бўларкан...

БАЙРОҒИМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН БОШИМ УЗРА ҲИЛПИРАДИ...

Чемпион бўлган куним Ватанимиз байроғи қабул қилинган санага тўғри келди. Дунёнинг барча давлатлари орасида унинг энг юқорига кўтарилиши менга ғурур бағишлади. Жаҳоннинг барча каналлари орқали юртимиз мадҳияси жаранглади. Яна шундай ҳислар туюлдики, Ватаним мадҳияси барча давлатларниқидан чиройли, мазмунли ва давомли эди, гўё. Ўша кунни баданим жимирлади-ю, аммо кўзимдан ёш чиқмади. Икки кўзим баланд кўтарилган байроғимизда, қўлим кўксимда, тилим эса мадҳиямизни такрорларди. Бу бахт дақиқалар ичда ўтиб кетган бўлса-да, менинг хотирамга бир умрга муҳрланди...

ҲАЛИ МИССИЯМНИ ТЎЛИҚ УДДАЛАМАДИМ...

Олдимга қўйган мақсадларим кўп. Таэквондо WT йўналишида юртимиздаги аёллар орасида биринчи жаҳон чемпиони бўлдим. Бу ютуққа мураббийлар кўрсатмаси, ота-онамининг кўмаги ва дўстларим тавсиялари билан эришдим. Спортчининг ёлғиз ўзи ҳеч нарсани уддалай олмайди. Шундай экан, қўллаб турган барча-барчага миннатдорчилик билдираман. Жаҳон чемпиони бўлиш билан ўз олдимга қўйган мақсадимнинг ўртасига етиб келдим. Ҳали қилиниши керак бўлган ишлар жуда кўп. Ёшим 22 да эканлигини инобатга олсак, забт этилиши керак бўлган чўққилар ҳали олдинда. Қийинчиликларни жамоамиз билан биргаликда, мураббийларнинг кўрсатмалари асосида енгамиз. Биргина ниятим, юртимиз байроғини баландларда ҳилпирашига ҳиссамни қўшиш ва мадҳиямизни бутун дунё қайта ва қайта тинглашига сабабчи бўлиш.

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»



«МУҲАББАТ САРОЙИДА МАНГУ ҚОЛГАНЛАР»



УНИНГ НОМИ, ЙЎҚ-ЙЎҚ, УЛАРНИНГ НОМИ БАҲОР БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛАНИБ КЕТГАН. БИРИ КЎКЛАМ КУЙЧИСИ БЎЛИБ ҚОЛДИ, БИРИ КЎКЛАМНИНГ ИЛК КУНИДА ТУҒИЛГАН ЭДИ, КЎКЛАМГА АСИР ЭДИ, «БАҲОР КЕЛДИ, СЕНИ СЎРОҚЛАБ» ДЕГАН ЎТЛИ САТРАРИНИ КЎНГИЛЛАРИМИЗГА ЖО ҚИЛГАН ЭДИ.

Ҳа, ҳа, биласиз, булар Ҳамид Олимжон ва Зулфия!

Элимизнинг суюкли шоираси Зулфия юртнинг турли чеккаларида «йилт» этган бир учқунни ҳам пайқаб, унга йўл-йўриқ кўрсатган, пойтахтга чақириб, бағридан жой берган, қўлаб-қувватлаган. Миллат ойдинларидан бири Мухтарама Улуғ ҳам шоира назарига тушган эди. У шундай ёзади: «1977 йилдан бошлаб токи умрларининг охири – 1996 йилгача Зулфияхоним раҳбарликларида ишламоқ, хонадонларида бўлмоқ, баъзан биргаликда меҳмонларини кутмоқ, тахрир сирларини ўрганмоқ, янги шеърларини биргаликда ўқимоқ, тонг саҳарлару узун оқшомларда зоҳирда сокин-у ботинда дарёлар қудратига монанд суҳбатларини тингламоқ... насиб этди».

Ана шу «тонг саҳарлару узун оқшомлар» суҳбатидан «Муҳаббат саройида мангу қолганлар» китоби дунё юзини кўрди. Бугун сизга Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, «Шухрат» медали соҳибаси Мухтарама Улуғнинг ушбу китобини тавсия этамиз.

Китобда икки улкан ижодкорнинг инсоний фазилатлари, садоқатли севгилари ҳақида сўз боради. Негадир уларнинг муҳаббати, ўзаро муносабатлари ҳақида кўп ҳам маълумотлар ўқимаганмиз. Бу нарсалар сирли парда ортида қолгандек. Қизиққанларга ҳам Зулфияхонимнинг жавоби шундай бўлган экан: «Бу – маним кўнгили бойлигим, у дастурхон каби ёзилавермайди».

Ўқиймиз: «– 1932 йил... Бу сана менга ёш ва ўтли, шиддатли бўлиб кўриनावеради. Балки ўша пайтдаги туйғуларим, кечинмаларим билан боғлиқдир?.. Мен Ҳамид Олимжонни илк дафъа ўша йили кўрганман... Биз йигирма чоғли адабиёт ихлосмандлари семинар машғулотларига йиғилардик. Машғулотларни Ҳамид Олимжон билан Уйғун олиб боришарди. Уларнинг ўша пайтдаги фақат ўзига

ишонган кишидагина бўладиган босиқ, мағрур, кучли қиёфаси мени ҳозиргача ҳайратга солади...

Яшириб ўтирмайман, Ҳамид Олимжон илк учрашувданок кўзимдан кўнглимга ўтди...»

Кучли, жўшқин туйғулар баёни «кўзимдан кўнглимга ўтди...» Йиллар қадар чўзилган, уни вафо ва садоқат тимсолига айлантирган гўзал ҳисларнинг ҳаёга ўралган баёни.

«Муҳаббат саройида мангу қолганлар» илк саҳифасиданоқ ҳайратга солди. Ўқувчилик йилларимизда Зулфияхонимнинг биографияси бизга ёд бўлиб кетган эди. Чунки байрам тадбирларининг деярли барчасида унинг шеърлари жаранглар эди. Аммо ўша бизга ёд бўлиб кетган биографияда унинг ҳаётидаги аччиқ-аламли йўқотишлар ҳақида бир сўз ҳам ўқимаган эканмиз. Ҳаёт уни ҳамиша шундай элда ардоқли, азиз тутган, деган қарашимиз бор эди.

Ўқиймиз: «Акмал Икромов бизнинг маҳалламизда яшарди, шу сабабли кўзга кўринган йигитларни танлаб, Москвага ўқишга жўната бошлади. Улар қаторида аввал Исмоил акам, кейин Нормат ва Аҳмад акамни ўқишга юборишди. Улардан бири Москвада музламада йиқилиб, касал бўлиб қайтиб келди. Дўхтир унинг билагидан кесиш кераклигини айтди. Акам уч-тўрт ой этди, лекин қўлини кесишга рози бўлмади, оқибат касаллик бутун вужудига тарқаб, вафот этди. Онам қайғунинг ичида қолдилар.

Бувиниса деган опам бор эдилар, ниҳоятда гўзал. Юзлари тиниқ, оппоқ, сочлари узун. Ўша пайтда мен ўн икки, ўн уч ёшлардаман, опам ўн еттида. Опамни бир чиройли йигитга унаштириб қўйишди, лекин нимагадир жуда хафа эди. Куёвнинг уйи қабристонга қўшни бўлганлигидан, опам ўша ерга боришдан қўрқинини айттарди. Хуллас, нима сабаб бўлдики, опам касал бўлиб қолди, қорнини ушлаб, оғриқ хуружидан букчайиб турарди-да, кейин яна ишини қилиб кетаверарди. Ўшанда мен эски мактабда Акмал Икромов-

нинг опалари Сиддиқа отинийдан сабоқ олардим. Бир куни мени ўқидан қайтариб олиб келишди, опамнинг ёнига ўтқазиб, Қуръон ўқигин, дейишди. Беморнинг юзига қарашга юрагим бетламайди, тинмай Қуръон тиловат қиламан... Бир вақт онам ёнимга келиб: «Тур, қизим, сен нариги уйга чиққин. Қуръонингни олиб қўйгин, опанг оламдан ўтди», дедилар».

Энг оғири шуки, йўқотишлар булар билан чекланмаган. Қатағон машинаси шоирамиз оиласини ҳам четлаб ўтмади. Бу ҳақда унинг «Хотирам синиқлари» дostonида ҳам айтиб ўтилади.

Яна **Ўқиймиз:** «Мен онамнинг кенжаси эдим. Онам! Кўпроқ ўғил болаларни ўстирган. Ўғил бола тарбияси қийин бўлади, агар аёл кўп ўғил ўстирса, сержаҳл бўлиб қолади, деган гаплар қулоғимга чалинган. Йўқ, менинг онам овозларини сира кўтармас эдилар. Уларни тинглаётганимда пок, оромбахш бир оламга киргандай ҳис этардим ўзимни. Ўша овоз, энди билсам, мени дунё кенгликларида бошлаган сўқмоқ экан. Агар истеъдодим бор бўлган эса, унинг чашмаси – онамдан».

Адашмасам, уч-тўрт йил аввал юртимиз аёл-қизларининг собиқ етакчиси «бозордаги аёлларга Зулфия шеърларидан ўқиб, улар маънавиятини ошириш керак»лиги тўғрисидаги фикри ижтимоий тармоқларда шов-шув билан қаршиланган эди. Кўплаб негатив фикрлар ёзилган. Аслида бу негатив акс-садо берадиган фикр эмас, шунчаки мақсад тўғри баён қилинмаган, тўғри етказиб берилмаган эди!

Азиз ўқувчи, айрим китоблар оила даврасида ўқилса, нур устига нур! Юқорида Зулфияхонимнинг онаси ҳақида айтган фикрларини ўқидингиз. Сиз ҳам она! Сиз ҳам ота! Сиз ҳам Зулфияхоним каби етук фарзандлар тарбиялай оласиз! Агар китоблар ўқиб, улар маъзини болаларингиз қалбига жойлай олсангиз.

Зулфияхоним ижоди ўз йўлига, асли ҳаёти ҳам бир ибрат макта-

бидир. Камтарлик, кўнгили билан яшаш... Унинг метин бардоши, айрим ҳоллардаги сукути, ИНСОН, АЁЛ бўлиб яшаб ўтгани ибратдир.

Ўқиймиз: «Зулфия опанинг раҳбарликларида саккиз йил давомида «Саодат» журналида ишлаш насиб этди. Ўша йиллари ёш қизлар ҳам опанинг тик қоматлари-ю бошларини чиройли мағрур тутиб юришларини зимдан ҳавас қилардик.

...Хонада ишлаб ўтиргандим. Зулфия опа қўлларида уч дона митти гуллар (ангишвона гул ҳам дейиларди) билан кириб келдилар. Ердан қор кетар-кетмас очиладиган баҳор чечаклари.

– Бу – сизга! – дедилар кўзларида ҳамиша ўзларига ярашимли ифода билан. – Марказқўмга мажлисга боргандик. Пиёда қайтаётсак, йўл четларида очилибди. «Бугун Мухтараманинг туғилган куни» деб териб олдим.

Бу воқеага неча йиллар бўлди. Каттаю кичик гулдасталар насиб этди. Бироқ...

Зулфия опа ўша мунчоққа ўхшаш гулларни қўлимга берганларида, дилимдан: «Шундай обрўли, шундай машҳур одам оддийгина ходими учун эгилиб йўл четидан гуллар терса!» – деган хаёл ҳайратдай ўтганди. Кейин бу туйғу умрбод кўнглимни кўтардиган миннатдорчиликка, эҳтиромга айланиб қолди».

Айнан ана шундай гўзал фазилатлари учун мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларидан ҳам уни йўқлаб келувчиларнинг кети узилмаган. Бугунги аёл арбобларимизнинг ҳам шундай йўқловчилари бормикан?! Улар ҳам қўлларида болалари билан келган етти ёт бегона келин-чакларга уйларида бемалол жой берармиканлар?

Инсон истаса дунё неъматларининг кўпига эришиши мумкин. Аммо халқ муҳаббатини қозониш осон эмас. Миллион-миллион юракларда вафо ва садоқат тимсоли бўлиб қолиш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Мен баъзан бир аёл сифатида Зулфияхоним босиб ўтган йўлларни таҳлил қиламан ва... осон бўлмаганини юракдан ҳис қиламан.

Сўнгги парча Зулфияхонимнинг энг саодатли дамларидан – келинлик хотираларидан.

Ўқиймиз: «Мен келин бўлиб борганимда, палакни уйга осиб қўйишди, бундан Ҳамид Олимжон жуда хурсанд бўлган эди.

– Уйимизда офтоб чиқиб кетгандек бўлди, мен бунақасини сира кўрмаган эдим, – деди. – Ҳамма ёқ ёниб, нурга, гўзалликка тўлиб кетди. Палак ҳақида гапира туриб, Зулфия опа яна бир воқеани эслагандилар:

– Ҳамма иши битди, тайёр дейишгандан кейин палакни қўлимга олиб қарасам, битта жойи чала қолган экан. Мен янгамга: «Нима учун мана бу жойини тикмадинглар. Келинлар, мен битказиб қўяй», дедим. Шунда онам: «Бу дунёнинг ишлари ҳар доим чала, ҳаёт эса давом этади. Агар палакни охиригача бекаму кўст тикиб, унга нуқта қўйилса, ҳаёт ҳақиқатида зид бўлади», – дедилар.

Фалсафани қаранг. Демак, палак ҳам бадиий, ҳам фалсафий асар. Ўша палак узоқ йиллар уйимда бўлди, уни қизим Хулқарга бердим. Хулқар эса қизи Лолага. Фурсати етганда, Лола набирасини узатаётганда, палакни унга беради. Насиб этса, қизларимиз келинлик уйларининг тўрига катта момосидан қолган ёд-горликни осадилар».

Азиз ўқувчи, олдимиз байрамлар, бу китоб эса ахли аёлингиз учун энг гўзал тўхфа бўла олади.

Хузурли мутолаалар тилаги билан,

**Инобат ИБРОҲИМОВА,
 «Vatanparvar»**

ҲЕЧ БИР МУРОЖААТ

ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАДИ

Яшнобод туманидаги «Қалқон» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, ҳарбий пенсионерлар ҳамда бошқа фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси ва бандлигини таъминлаш, яшаш шарт-шароитларини янада яхшилаш, талаб ва таклифларини ўрганиш, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, муаммоларини имкон даражасида жойида ҳал қилиш мақсадида сайёр қабул ташкил қилинди.



Очиқ ва шаффоф мулоқотда Республика ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари адлия полковниги Отабек Холбоев, Тошкент ҳарбий округ кўшинлари қўмондони полковник Зокир Сайфутдинов, Мудофаа вазирлиги тегишли бошқарма ва бўлим вакиллари, маҳаллий ҳокимият, туман соғлиқни сақлаш, солиқ, халқ таълими бўлими, мактабгача таълим ташкилоти ҳамда аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ходимлари иштирок этди.

Тадбир давомида ўттизга яқин муурожаатлар кўриб чиқилди. Шундан бир нечаси жойида ижобий ҳал этилган бўлса, 15 дан ортиқ муурожаат юзасидан ҳуқуқий маслаҳат берилди.

– Неврологик касаллик билан оғрийман. Қўл ва оёқларим қотиб қолади. Шунинг учун ҳар йили режали равишда даволанаман, – дейди пенсионер Мақсудбек Саидов. – Шифокорлар ҳар йили стационар

даволаниш билан бирга санаторияда дам олишни маслаҳат беришган. Шу масала бўйича сайёр қабулда қатнашган 67-сонли поликлиника бош шифокори Зебо Умаровага муурожаат қилдим. Қувонарлиси, шу жойнинг ўзида керакли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Яна май ойида 4-шаҳар клиник шифохонасида даволанишим учун йўлланмага навбатга қўйишга ёрдам берамиз, дейишди. Ҳолатимдан келиб чиқиб, шифокор тавсиясига кўра, ҳафта бошидан маҳалламиздаги поликлиникада бепул массаж оладиган бўлдим. Бунинг учун сайёр қабул ташкилотчиларига миннатдорчилик билдираман.

– Беш қаватли уйнинг бешинчи қаватида истиқомат қиламиз, – дейди Нигора Широнова. – Мана бир неча йилдирки, ёмғир ёки қор ёғса, уйимизнинг тоmidан сув ўтади. Давлат унитар корхонаси (ДУК)га кўп марта муурожаат қилганмиз. Аммо натижа бўлмапти. Сайёр қабулга

шу сабаб келдим. Шу муаммо бўйича тегишли ташкилотларга топшириқ берилди, албатта, ижобий ҳал қилиб берамиз, дейишди. Бундан хурсандман.

– Психологман, мутахассислигимга мос иш сўраб келдим, – дейди яна бир суҳбатдошимиз Марҳабо Ражабова. – Аввал мактабгача таълим ташкилотида ишлаганман. Бир муддат бола парваришлаш таълимида бўлдим. Яқинда шу маҳаллага кўчиб келдим. Фарзандларим ҳам катта бўлиб қолишди. Энди уларни бемалол боғчага бериб ишласам ҳам бўлади, деган қарорга келдим. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ходимлари мутахассислигимга мос келадиган иш ўринлари билан таништирди. Уйимизга яқин ҳудудда жойлашган иш ўрнини танлаб, фаолият бошлашни режалаштиряпман.

Майор Гулнора ҲОЖИМУРОВА

✓ SAYYOR QABUL

Юртимизда халқ билан очиқ мулоқот қилиш, аҳолининг талаб ва таклифларини ўрганиш, уларнинг дардларини тинглаш, муаммоларини имкон даражасида жойида ҳал этиш давлат органларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПДИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилди. Барча давлат идоралари, фаолиятида аҳолининг муурожаатлари билан ишлаш бўйича сифат жиҳатидан мутлақо янги тизим яратилди. Шунингдек, халқ билан мулоқот қилиш, юртдошларимизни ўйлантираётган, кези келганда қийнаётган дарду муаммоларига қулоқ тутиш давлат идоралари фаолиятининг бош мезонига айланди. Қуролли Кучларда ҳарбий хизматчиларнинг кафолатланган ижтимоий ҳимояси, ҳуқуқ ва манфаатларини сўзсиз таъминлашда «Инсон қадри учун» тамойилига риоя этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси томонидан Қуролли Кучлар тизимидаги вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Нукус гарнизони маънавият ва маърифат маркази биносида ҳарбий қисм ва муассасалар ҳарбий хизматчилари, уларнинг оила аъзолари, ҳарбий пенсионерлар ва фуқаролар иштирокида



оммавий сайёр қабул ўтказилди.

Сайёр қабулда Мудофаа вазирининг ўринбосари генерал-майор Ҳамдам Қаршиев, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ўринбосари адлия подполковниги Қ. Исроилов, Миллий гвардия қўмондонининг ўринбосари полковник Сарвар Мамаюсов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ қабулхонаси раҳбарияти ва бошқа мутасадди ташкилотлар масъуллари қатнашди.

Оммавий сайёр қабулда 350 нафардан ортиқ ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзолари, ҳарбий пенсионерлар ва бошқа фуқаролар қатнашиб, ўзларини қийнаётган муаммолари билан мутасаддиларга муурожаат қилдилар. Хусусан, сайёр қабул жараёнида 154 нафар шахсдан 159 та муурожаат келиб тушиб, шундан 61 таси жойида ижобий ҳал қилинди, 38 та муурожаат юзасидан тушунтиришлар берилди ҳамда 60 та

муурожаат ижроси алоҳида назоратга олинди.

Шунингдек, қабул давомида ҳарбий хизматчиларнинг ногиронлиги бўлган фарзандлари учун ногиронлар аравачаси, юриш мосламаси ва қўлтиқтаёқ берилиши таъминланди. Бундан ташқари, оммавий сайёр қабулнинг иккинчи қисмида Нукус гарнизонидаги ҳарбий қисмга «Жасорат мактаби» ўқув йиғинига жалб қилинган 100 нафар профилактик ҳисобда турган ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Уларга Қуролли Кучлар ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида маълумотлар берилди. Тадбир давомида берилган саволларга батафсил жавоблар берилди.

Адлия майори Шохрух ВАҲОБОВ,
Республика Ҳарбий прокуратураси бўлим ҳарбий прокурори

**САККИЗ МИНГ ЙИЛ КЕЙИН
АЙТИЛГАН САВОЛ**

Бу воқеа бугун содир бўлмоқда. Бу сатрлар ундан саҳифаларга тўкилмоқда. Уни тўхтатишнинг сира иложи топилмаяпти. Ким нима деса-а... Десин. Тайёр жавобингиз бўлса ҳозирок айтинг, у овозра бўлмасин! Мен тополмаяпман. Балки: «В. Тамошек, В.В. Бартольд, В.Л. Вяткин, М.Е. Массон, М.И. Стеблин-Каменский (1903 – 1981), Явдат Илёсов (1928 – 1982), Миркарим Осим, В.А. Лившиц, Йозиф Маркварт (1864 – 1930), П.Б. Луре, Тўра Нафасов, замондош олимимиз суғдшунослар дарғаси ҳурматли домла Мирсодиқ Исҳоқов бу саволга аллақачон жавоб топиб берган», – дерсиз! Қанийди, шундай бўлганда. Бу қуш ҳар куни бир омонат жоннинг тепасида ярим асрдан буён йўқотиб қўйган қўналғасини излаб, тинимсиз чарх уриб, кўкда муаллақ ҳануз учиб юрмасди. Суғднинг гуркираган давридан саккиз минг йил кейин бундай савол пайдо бўлмасди ва мақоланинг бу тарзда бошланишига ҳам ҳеч қандай зарурат қолмасди.

ЯРИМТА ОМАД

«Суғд» тадқиқотлар борасида «Турон»дан анча омадли экан. У тўғрида амалга оширилган тадқиқотларнинг фақат кичик бир қисмини қараб чиқишим учун бир неча кун керак бўлди. Жараёнда, менга у ҳақда ёзмаган тадқиқотчи қолмагандай туюлди. Бу мавзу дунё фанида жуда машҳурлиги аққол кўзга ташланиб қолди. Шу бир неча кунда ўндан ошиқ қисқа, узун тадқиқотларни кўришга улгурдим холос. Аммо бошқалари ҳам улар каби эди. «Суғд» ва «суғдийлар» тўғрисидаги ахборотлар, илмий мулоҳазалар бир-биридан унчалик кескин фарқ қилмайди.

Ўзбекистон Миллий Қомусида Суғдга оид ихчам ва аниқ маълумот берилган экан. Матндан парча: «Суғд, Сўғд, Суғуд – Ўрта Осиёдаги қадимий тарихий-маданий вилоят. Илк марта аҳамонийлар сулоласи вакиллари қоятош хотирот битикларида «Сугуда» шаклида қадимий Эрон салтанатига тобе қилинган сатрапликлардан бири, мамлакат номи сифатида қайд этилган. Юнон манбаларида – Согдианой. Бу шакл юнонлар томонидан сўз таркибидаги – анака – тегишлилик, мансублик маъносини билдирувчи нисбат қўшимчасини сўз ўзагига қўшиб юборишдан пайдо бўлган. Хитой манбаларида – Сули.

Суғдиёна ёзуви ёдгорликлари мамлакат номини Суғд ёки Сғуд шаклида кўрсатади. Суғдик ёки Сғудик, Суғдиёнак – Сғудиёнак шакллари «Суғдга тегишли», «Суғдий» каби маъноларда қўлланади. Ўрта асрларда арабий, форсий, туркий манбалар мамлакат номини «Суғд» шаклида қўллайди.

«Суғд» сўзининг маъноси фанда турлича талқин қилиб келинади. Масалан, Сўч – // Сўз – «қуймоқ, ёнмоқ, порламоқ» деб изоҳланган. Бундан Суғдни «Муқаддас илоҳий олов (Зардуштийлик тасаввурига кўра) билан покланган ер» каби маънода талқин этишга ҳаракат қилинган (В. Томашек). Яна бир изоҳга кўра, «Суғд» сўзи сернам, унумдор ер деб тушунилади. Бунга ҳозирга қадар пастлик, сув йиғиладиган ер «Суғд, Суғут» деб аталиши далил қилиб кўрсатилади.

«Авесто»да Суғд мамлакат номи сифатида бир марта учрайди. «Ардвисура Яшти» – («Обон Яшт») ва Ардвиган (Амударё) Ишката, Парута, Маури, Сугуда ва Хваразм томон

ҳаётбахш сувларини элтади, дея таъкидланади. «Авесто»нинг «Видевдат» наскида эса Ахурамазда яратган эзгу юртлардан бири Гава дейилади ва у ерда суғдлар яшайди деб кўрсатилади».

Дунёнинг энг қадимий битикларидан бири «Авесто»да Суғд ҳақида ахборот берилмоқда. Мазкур маълумотда номлари келтирилган юртларнинг барчаси Туронга қарашли ўлкалар эди. Бироқ негандир Русия ва бошқа хориж тадқиқотчилари қарийб бир овоздан: «Суғд ва хоразмийларнинг тарихий келиб чиқиши эронийдир», – дея таъкидлайди. Улар ҳатто, Турон ҳақида бирор сўз айтмайди. Бу ғалати. Ҳолбуки, «Авесто»да сўзланган деярли барча тарихий ҳодисалар Турон ҳудудида содир бўлган.

Суғдлар узоқ ўтмишда Эрондан кўчиб келгани ё қачонлардир Ўқуз ва Яксарт оралиғи Эрон бўлгани тўғрисида бирор манбада ҳеч қандай маълумот учрамайди. Аксинча, тарихга қанчалар чуқур кириб борилса, Турон ва Эрон ўртасида гоҳида қуролли тўқнашувлар бўлиб тургани ва унда суғдлар ҳаммаша тур (турк) қавми – массагет, чағ (чақ, чаг), саклар билан елкама-елка туриб эроний душманга қарши курашгани маълум бўлади. Афсонавий Тўмарис, Широқ каби Турон қаҳрамонларининг Эрон жангчиларига қарши курашида ҳам суғдлар босқинчиларга қарши сафда эди. Турон Суғдининг жасур фарзанди Спитамен саклар кўмагида юрт оздиги учун ёвқур йигитлари билан жаҳонгир Искандар Макдунлига қарши аёвсиз жанг қилади.

Суғд тили масаласида сўз юритилганда мутахассислар асосан, милодий VI – IX асрлар оралиғидаги манбаларга таянади. Бу асрлар Сосонийлар таъсирида Суғд тилининг форсийлашуви кучайган иккинчи йирик давридир. Бундай жараён милоддан олдинги VII – IV асрларда аҳамонийлар ҳукмронлиги даврида ҳам содир бўлган. Туроннинг Суғд музофоти ва унда жойлашган Самарқанд, Бухоро каби бош шаҳарлари аҳолиси тилининг форслашуви ислом даврида энг авж палласига кўтарилди. Бунинг табиий равишда ўз тарихий сабаблари бор эди.

Милоддан олдинги X – VIII асрларда суғд тили форсчадан анчагина бегона эди. У тур қавмлари замонидagi қадимий туркий тилнинг форсча сўзлар ҳали унчалик кўп аралашиб кетмаган битта лаҳжаси бўлган. Гап қурилиши ҳам форс тилидан фарқ қилган.

Суғд тилининг узоқ давом этган даврий ривожланиш тарихи босқичлари ҳалигача илмий асосларда ва кенг миқёсда деярли тадқиқ қилинмаган. Афсус, ҳозиргача бажарилган тадқиқот-

лар Суғднинг олис асрларга чўзилган қадимги улкан тарихига назар ташлаш имконини бера олмайди. Уларда аниқликдан кўра мавҳумлик кўпроқ. Барибир, ушбу ишимизда тадқиқотлар ва қизиқишлар борасида «Суғд» «Турон»дан омадлироқ экани тобора ёрқинроқ кўрина бошлади. Лекин бу омад тўлиқ ва мукамал эмас. Мухими, яримта бўлса ҳам Суғднинг омади бор экан.

**ИККИ СЎЗДАН ИБОРАТ
ТАРИХ**

«Суғд, суғуд» барча тадқиқотчилар айтаётганидек форсча сўз бўлмасачи? Келинг, улар турган тадқиқ майдони ва мақсадига етиш учун танлаган йўлдан буткул ташқарига чиқамиз. Бу сўзга бутунлай бошқа манзилдан ва ўзга назар билан қарашга уриниб кўрамиз. Қани, нима содир бўлар экан?

Бу ўлкани бегона қавмлар ва ҳатто, қўшни форслар ҳам Суғд деб атамаган. Бу ном бошқалар томонидан қўйилмаган. У кўҳна Турон қавмларининг маънавий қарашлари ва эътиқодини ифодаловчи ўзларининг Сўзи эди.

Форсий «сўхтан» ё «сохтан» феълидан «суғд» сўзини ясаб бўлмайди. «Суғуд»нинг иши бундан ҳам оғирроқ. Қадимги Турон турклари ва уларнинг тарихан вориси ўзбек қавми тилида бу сўз ўқувчи ё тингловчида бугун ҳам изоҳга заррача эҳтиёж қолдирмайди. Сўзнинг маъно англатувчи биринчи «суғ» морфемаси бугун ўзбек халқи ва бошқа туркийларнинг кундалик ҳаётида кўп қўлланадиган «чўғ», «чуғ», «чўқ» сўзида мавжуддир. У ёлқинли олов эмас. У ўчоқ, тандир, сандалда ўта эҳтиётлаб асраладиган қаттиқ оловдир. У ловуллаб ёнаётган олов ё аланга эмас, уларнинг ўзагидир. Бир-биридан кескин об-ҳавоси билан фарқ қиладиган тўрт фаслли Турон қавми учун «чўғ» ҳаммаша ўн минг йиллардан бери эҳтиёт қилиб сақланадиган ва эъзозланадиган тирикликнинг ўта муҳим унсури эди. Ўзбекистонда ҳам унча узоқ бўлмаган ўтган йилларгача қишлоқларда чўғ асраб келинарди, ўчоқдаги олов ё чўғ сув сепиб ўчирилмасди, катталар шуни алоҳида тайинлашарди. Бундай қилинса, гуноҳ ҳисобланарди. Ўчоқ, тандирга нопок нарса ташланмас ва ҳатто, унга шубҳали одамлар яқинлаштирилмасди. Бу каби талаблар камайиб бораётганига қарамай, ҳалигача бор.

«Суғд» сўзини «суғ+д» шаклида иккига ажратамиз. Унинг «д» бўлаги биринчи сўзга қўшилиб келмоқда. Уни тилшунослик қоидалари бўйича қандай изоҳласа бўлади? Балки бу ҳолатни «суғуд» сўзи орқали шарҳлаш осонроқ ва тўғрироқдир? Шу йўлни тутганимизда «суғ+уд», «суғ+ут»,

«суғ+ўт» шакллари ҳосил бўлади. Битта сўзда «уд», «ут» ва «ўт» шакллари билан келаётган бу қўшимча қандай вазифани бажармоқда? Улар мустақил маъно ифодалай оладими? Уни ҳам «ўт», «олов» маъносида қўлланыпти десак, «суғуд» сўзининг биринчи морфемасида бу иш адо қилиниб бўлган. «Майса», «ўт-ўлан», «гиёҳ» десак ҳам тахминимизни исботлаш учун кўп тер тўқишга тўғри келади. Шунда ҳам ҳали унинг натижаси қандай бўлишини билмаймиз.

Турон туркларидида бу ишимизда дуч келиб турганимиз «ўт»га оҳангдош «қут» сўзи бор эди. Қадимда Ўқуз ва Яксарт атрофидаги аждодларимиз ҳаётида табиатнинг тўрт тириклик унсури олов, ҳаво, тупроқ, сув ўта қадрлангани барчага маълумдир. Бу ҳолат бугун ҳам ўзбек халқининг урф-одатлари ва айрим маросимларида турли шаклларда кўллаб кўзга ташланади. «Қут» сўзи олис Тарих ва Бугуннинг бир қанча воқеаларини ҳозиргача мустақам ва албатта, табиий равишда боғлаб турибди.

Шу тариқа «чўғ» сўзига «қут»ни қўшиб, «Чўғқут» атамасини ҳосил қиламиз. Жой номини ифодалаш учун қўлланган бу сўз «Чўғ, оловга қутловлар айтиладиган ўлка», «Чўғ, олов билан қутланган», «Ёғдули қутлуғ юрт» каби маъноларни англатади. Кўриб турганингиздек, бу айтилаётганлар таржима эмас, бир озгина кенгайтирилган изоҳлардир.

Бу қўшма сўзнинг ўртасида иккита ундош товуш ёнма-ён туриб қолди. Одатда бундай ҳолатларда туркий тил тарихида кўпинча улардан бири тушиб қолиши ё улар қўшилиб битта ундош товушга айланиш – сингармония ҳодисаси содир бўлиб туради. Бу жараён сўзнинг бошқа товушларига ҳам таъсир қилади. Шу тариқа узоқ асрлар давомида «Чўғқут» – «Чуғут» – «Суғуд» тарзи ила жой номини билдирувчи машҳур «Суғд» атамаси шаклланади. «Суғд» шакли улар орасида энг ёши ва охиригидир. Энди бу тарихий сўзни махсус шарҳлашга асло ҳожат қолмади. Мутахассис бўлмаган бугунги ўқувчилар ҳам уни жуда ёрқин ва ҳеч қандай изоҳларсиз осон тушунади.

АЖДОДЛАР ҚАДАМИ

Кейинги мақолада Суғд каби, ҳатто ундан ҳам машҳурроқ яна бир қутлуғ масканга бир неча фурсат кўнақ бўлишга тўғри келмоқда. У Турон қавмининг фахру ифтихори, инсоният тамадунининг бош кентларидан бири Самарқанддир.

**Абдусаттор ЖУМАНАЗАР,
ЎзР ФА Абу Райҳон
Беруний номидаги
Шарқшунослик институти
катта илмий ходими**

«СУҒД» КЕКСА ТУРКМИЙ СЎЗ
(биринчи мақола)



Қорақалпоғистон Республикасида ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига бевосита масъул бўлган вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари ҳамкорлигида «Жасорат мактаби» ўқув йиғини ташкил этилди.

ЙИҒИННИНГ ИЛК КУНИ

Қорақалпоғистон Республикасининг турли шаҳар ва туманларидан келган ёшлар Нукус шаҳридаги Ёшлар марказида ҳарбий оркестр садолари остида кутиб олинди. Сўнг юз нафар ёш азамат йигитни жамлаган автобуслар Шимоли-ғарбий ҳарбий округда жойлашган ҳарбий қисм томон йўл олди.

Болалигидан ҳарбий бўлиш истаги билан улғайган ёшлар «Жасорат мактаби»да орзулари ҳаминқадар ушалишидан шод, ҳаяжон ила ҳарбий қисм ҳаётига қизиқсиниб қарашар, собит қадам-ла, командирга ҳарбийча салом берган аскарга ҳавас кўзи билан боқарди. Нукус ҳарбий госпиталида ўтказилган тиббий кўрикдан сўнг, ҳарбий либосларни кийган йигитлар саф майдонида тизилишди. Йиғиннинг очилиш маросими ёшларда катта таассурот қолдирди. Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Аманбай Оринбаев иштирок этиб, йиғин уларнинг ёрқин келажагида муҳим дебоча бўлиб қолажagini айтиб, иштирокчиларга омад ва зафарлар тилади.

ҚИЗГИН МАШҒУЛОТЛАРДА ТОБЛАНГАН ЎҒЛОНЛАР

«Жасорат мактаби» ўқув йиғинида машғулотлар Жиззах тажрибаси асосида тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда куч тузилмалари вакиллари иштирокида йўлга қўйилди. Ёшларни тарбиялаш ҳамда фуқаролик позициясини, ижтимоий адаптациясини кучайтириш, касбга ўргатиш, жисмоний тарбия ҳамда спортга кенг жалб этиш каби эзгу мақсадларни кўзлаган йиғин қорақалпоғистонлик йигитларда катта таассурот қолдиргани, шубҳасиз.

– Қорақалпоғистон Республикасидан саралаб олинган йигитлар орасида мен ҳам борлигимдан жудаям қувондим, – дейди Қораўзак туманидан келган Расул Рисназаров. – Йиғинда юртимизнинг таниқли инсонлари билан учрашдик, тадбиркорлар билан яқиндан суҳбатда бўлдик, малакали психологлар томонидан тренинглар ўтказилди. Ҳарбийлар ҳаётида 10 кун давомида яшадик. Бу жуда қизиқ эди. Ишсизлар сафида кунлик ишларни бажариб юрардим. Йўқотилган йилларим ҳақида мулоҳаза қилдим. Бўш вақтим жуда кўп бўлган экан, йиллар ортга қайтмайди, лекин бугун кеч эмаслигини тушундим. Ўқишга кириб, юртим равнақи йўлида хизмат қилишни мақсад қилдим. Билдирилган ишонччи оқлайман.

– Ёшим 18 да, – дейди қонлиқўллик Сакен Қилишбаев. – Йиғин ҳаётий қарашларимни

тубдан ўзгартирди. Телеэкранларда тенгдошларимиз эришган ютуқларни кўриб, ҳавас қилардим. Йиғин давомида қачонгача ҳавас қиламан, деган ўй уйғонди. Ҳа, қачонгача уларга ҳавас қиламан?! Бир умрми?! Йўқ, ўзгаришим керак! Менга ҳам ҳавас кўзи билан боқшини истайман! Инсон мақсад қўйиб, интилгагина, натижага эришиши мумкинлигини англадим.

ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ БЎЛАМАН!

Ўн кунлик йиғин доирасида мудофаа вазири ўринбосари генерал-майор Ҳамдам Қаршиев, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони генерал-майор Фарҳоджон Шерматов ҳамда Республика Ҳарбий прокурори ўринбосари адлия подполковниги Қахрамон Исроилов ёшлар билан яқиндан суҳбатда бўлди. Ҳарбий



«ЖАСОРАТ МАКТАБИ» — ЁШЛАР ҚАНОТИ

бўлиш истагини билдирган ёшларнинг мурожаатлари қонун талаблари доирасида кўриб чиқилиши юзасидан масъулларга кўрсатма берилди.

– Генераллар биз билан жуда яқиндан суҳбатлашишди, – дейди Сердар Тагиев. – Ҳарбий либоснинг ҳам салобати бор экан, улардек ўйлай бошлар экансан. Юрт келажаги, тинчлиги сенинг зиммангда, гўё. Ўзимни ҳақиқий ҳарбийдек ҳис этдим. Мудофаа вазири ўринбосари ва қўмондоннинг ҳар бир сўзини панду насихатга йўғрилган отамнинг сўзлари деб билдим. Қўмондон «Юлдузингиз сўнмасин! Юлдуз нима? Орзу. Орзулар қилинг, яхши яшаш ва яхши ном қолдиришга интилинг», дея бизга ҳаётбахш сўзларни айтганларида, ичимда ғалаён турди. Болаликдаги орзум яна қайтадан забт этди. Албатта, Ватан ҳимоячиси бўламан!

– Сартарошлик ҳунарим бор, – деб ўзини таништирди Хўжайли туманидан келган Адилбек Мамутов. – Йиғинга илк келган куним тўғриси, жудаям кетишни истадим. Ҳарбий ҳаётда яшаш қийин бўлса керак, деб ўйлагандим. Лекин мен ўйлагандай эмас экан. Тўғри, бир оз уйқучилигим бор. Эрта тонгдан уйғониш қийин бўлаётганди, бирпасда мослашдим. Эрталабки бадантарбия ва спорт тадбирларида фаоллигим ошди. Фавқулодда

вазиятлар вазирлигига хизматга таклиф қилишди. Кутилмаган таклиф қувонтириб юборди. Инсон ҳар нега қодир, фақат хоҳиш, ирода, сабр ва ҳаракат бўлсагина...

– Опа, бир шеърим бор, гитарага созлаяпман, эшитиб кўринг, – деб уялиброқ гапирди йиғин иштирокчиси Саламат Пиржанов.

– Шоирмисиз? – деб Саламатни тинглашга шайлигимни билдирдим. У сўзида давом этаркан: – Опа, «Жасорат мактаби» ҳақидаги шеърим ўзбек ва қорақалпоқ тилида. Уч йилдан бери шеър машқ қилмай қўйгандим. Телефон ўйинлари ва ижтимоий тармоқлар умримни ўз домига тортиб кетибди. Ўн кунлик йиғинда ҳаётга қайта туғилган инсон мисоли фикрларим янгиланди. Вақт қадрини англадим. Энди менинг ҳам мақсадларим бор. Мени биров тингламайди деб ўйлардим, лекин мен билан ҳам фикрлаша бошладилар, ўз фикримни жамоага айта оляпман. «Жасорат мактаби» жасоратли бўлишга ўргатди. Яратилаётган бу эътибор ва ғамхўрликлардан миннатдорим.

Нукус шаҳридаги Қурилиш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш маркази ва «Ишга марҳамат» мономарказига уюштирилган экскурсиялар ҳам йиғин иштирокчиларида қизиқиш уйғотди. Эндиликда йигитларнинг белгиланган ҳаёт йўли оидин рангларда саҳифаларга битилиши муқаррар. Ўн кун шунчаки ўтмади, мақсадли режалар куртак ёзди.

Шоҳиста АБДУРАҲМОНОВА,
 Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати

ХАЛҚИМИЗНИНГ

ОЛИЙ ҚАДРИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги эътироф этилган. Шу сабабли аёлларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлаш учун қонунларимизда уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, меҳнатни оналик билан уйғунлаштириб олиб бориш учун имкон берадиган муайян енгилликлар ва имтиёзлар бериш ҳамда уларни амалга оширишни кафолатлаш чоралари кўрилди.



Аёлнинг биринчи вазифаси – миллат учун соғлом насл беришдан иборат. Шунинг учун ҳам оналик ва болаликни муҳофазалаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Аслида маънавий ва иқтисодий тараққиётимиз негизида миллий қадриятларимиз ётади. Демак, аёлнинг бурч ва ҳуқуқлари ҳам меҳр-муҳаббат, иймон, оқибат, садоқат сингари эзгу фазилатлардан таркиб топган. Шубҳасиз, аёл тақдири мустақил давлатимиз эртаси билан чамбарчас боғлиқ, аёл ҳуқуқлари ҳамда ижтимоий мезонларининг муҳофаза этилиши буюк миллат келажигининг пойдеворини мустаҳкамлайди.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг барча жабҳаларида фаол иштирок этаётган аёлларимиз бугун Қуролли Кучлар тизимида ҳам муносиб фаолият юритмоқда. Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисм ва муассасаларда мустақиллик йилларида ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчи хотин-қизлар ҳамда Қуролли Кучлар ишчи ва хизматчи аёлларнинг сони кўпайиб, улар интеллектуал салоҳиятини ҳарбий хизматчи йигитлар билан елкама-елка хизмат фаолиятида намоён этиб, ўзларининг билим, заковати ҳамда шижоати билан кўшинлар жанговар тайёргарлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Тамара МАМАНОВА,
ЖҒМҲО хотин-қизлар ва ҳарбий
хизматчиларнинг оила
аъзолари билан ишлаш бўйича етакчи
мутахассиси, «Содиқ хизматлари учун»
медали соҳиби

Ҳар бир хотин-қизнинг мустақил мулкдор бўлиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Турли жамғармалар ва нодавлат ташкилотлари ҳам оилаларга, айниқса, кам таъминланган ҳамда кўп болали аёлларга моддий ёрдам бериш йўли билан уларни ижтимоий ҳимоялашга эътибор бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 март кундаги «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони аёлларнинг жамиятдаги ўрнини белгилаб, оиладаги мавқеини мустаҳкамлаб, уларга бўлган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2017 йилдан бошлаб аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими тубдан ўзгарди. Ижтимоий ҳимоя мақсадли белгилашиб, фақат кам таъминланган, меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар-

ни қамраб олди, маҳаллаларда «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» юритила бошланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 август кундаги «Давлат олий таълим муассасалари магистратура босқичида таълим олаётган хотин-қизларнинг тўлов-контракт маблағларини тўлаб бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тарихий воқеа бўлди ҳамда аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат ва жамиятнинг роли оширилди.

Хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, мамлакатда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларда иштирокини янада фаоллаштириш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида барча вилоятларда хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ташкил этилди.

Аёл қахрамонлик ва матонат тимсоли эканлигига ўтмишда кўп мисоллар бор. Аммо ун-

даги ана шу фазилатлардан манфур ниятларда усталик билан фойдаланишга уриниш дунёда ҳамон сақланиб келмоқда. Соғлом жамият аёллар тақдирига ҳеч қачон бефарқ қараб тура олмайди. Эркакнинг оилада устунлиги аёлга жисмоний ёки маънавий зўравонлик қилиши ҳисобига бўлмаслиги керак. Аёл, аввало, оилада бахт топмоғи, эъзоз кўрмоғи керак. Шундагина у жамиятнинг фаол аъзоси бўла олади.

Шу сабабли аёлларга нисбатан зўрлик ишлатилишининг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда бир қатор ишлар амалга оширилди ва ҳуқуқий асослар яратилди. Инсон шаъни ва кадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлигини хавф остига қўядиган, асосси равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарор чиқариш тақиқланади.

ZULFIYA TAVALLUDINING 108 YILLIGI

«ЎҒЛИМ, СИРА БЎЛМАЙДИ УРУШ!»

Кўкрак сўти ва меҳнат билан,
Биз жаҳонга берганмиз турмуш.
Она қалби оёққа турса,
Ўғлим, сира бўлмайди уруш!

Миллатнинг суюкли қизи, дунё таниган ҳассос шоира, давлат арбоби Зулфияхоним таваллудини ҳар йили баҳорнинг илк кунда қарши оламиз. Айни кунларда ҳам қалам аҳлининг улуғ устози Зулфия Исроилова таваллудининг 108 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Давраларда садоқат ва матонат рамзи бўлган шоира шеърлари тилдан тилга ўтиб жарангламоқда. Мана шундай тадбирлардан бири Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт туманидаги 3-умумтаълим мактабида ҳам бўлиб ўтди.

«Зулфияхоним ижодида тинчлик» дея номланган маънавий-маърифий тадбирда таниқли шоира Зулфия Мўминова иштирок этди. Шоиранинг Зулфияхоним билан боғлиқ хотиралари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Ўқувчилар томонидан жарангланган Зулфияхоним шеърлари эса дилларга кўтаринки кайфият бахш этди. Мактабнинг «Фаввора» қизалоқлар ҳамда «Ғунча» номли ўғил болалар рақс дасталари томонидан ижро этилган миллий рақслар тадбирга ўзгача завқ бағишлади.

Мактаб саҳнасида Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги тасарруфидаги ҳарбий қисм посбонлари чиқиб келганида зални гулдурос қарсақлар эгаллади. Муддатли ҳарбий хизматчилар томонидан ижро этилган саҳна кўринишида устоз шоиранинг «Буюр Ватан», «Менинг Ватаним», «Қўлимда қуролу, устимда шинел», «Менинг меҳрибон онагинам», «Ўғлим, сира бўлмайди уруш!», «Йигитларга» номли шеърлари янгради:

Сиз жангда ботирсиз,
сизнинг юракда,
Кекса боболарнинг ўлмас номи бор.



Муқаддас интиқом, ёшлик ғурури,
Танда йигитларнинг жўшқин
қони бор...

...Уруш! Номинг ўчсин жаҳонда,
Ҳамон битмас сен солган алам.
Сен туфайли кўп хонадонда,
Ота номли буюк шодлик кам...

Тадбир давомида фаол ўқувчиларга ҳарбий хизматчилар томонидан ватанпарварлик руҳидаги китоблар тақдим этилди.

3-умумтаълим мактаби директори Нигора Жаббарова Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигига мактаб маъмурияти ва ўқувчилар номидан миннатдорлик изҳор этди.

Зулфия ЮНУСОВА

МУТАХАССИСЛАР

малакаси оширилди

Мудофаа вазирлиги қўшинларининг жисмоний тайёргарлик ва спорт мутахассислари билан ўқув-услубий йиғин бўлиб ўтди. Мутахассисларнинг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини ошириш, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиб, қўшинларда татбиқ қилиш мақсад қилинганди.

– Машғулотлар профессор-ўқитувчиларни жалб этган ҳолда олиб борилди. Унда ҳарбий тиббий тайёргарлик, одам анатомияси, армия спорти, спорт психологияси, тиббий тадбирлар, овқатланиш ва витаминларни тўғри қабул қилиш тартиби, валеология каби бир қанча йўналишларда ўрганилган янги методикалар мутахассислар томонидан йиғин иштирокчиларига етказилди, – дейди полковник Аваз Азимов. – Соҳага кiritилган янгиликлар, қулайликлар ҳамда меъёрларни ўз ичига қамраб олган ушбу йиғин иштирокчиларда қизиқиш уйғотиш билан бир қаторда, билимларини ҳам оширишга хизмат қилди. Жисмоний тайёргарлик ва спорт мутахассисларининг ўтган йилдаги қилинган ишлари таҳлилий

ва танқидий кўриб чиқилиб келгусидаги устувор вазифалар ҳам белгилаб олинди. Шунингдек, тош кўтариш, қўл жанги ва нишонга пичоқ улоқтириш бўйича мутахассислар томонидан йиғин иштирокчилари учун маҳорат дарслари бўлиб ўтди. – Услубий йиғинда валеология ҳамда жисмоний ва руҳий саломатлик мавзусидаги маърузам билан иштирок этдим, – дейди Гулшод Авизова. – Инсоннинг жисми соғлом бўлиши учун, аввало, тўғри овқатланиш тартибини йўлга қўйиши керак. Вақт ўтиши билан турли ички хасталикларнинг келиб чиқмаслиги учун ҳам кун тартибидоги овқатланиш рационига қатъий риоя қилиниши мақсадга мувофиқ. Бунда организм учун фойдали бўлган, оқсил ва турли



витаминларга бой табиий маҳсулотларни истеъмол қилиш, ҳам ақлий фаолиятни, ҳам жисмоний қудратни таъминлайди. Ҳарбий хизматчи фаолияти давомида ҳар доим сергак, жасур ва соғлом бўлиши талаб этилади. Шундай экан, нонуштага доим сут ва сут маҳсулотлари, тушликка эса, ҳазми оғир бўлган маҳсулотлар, кечки егуликлар орасида имкон қадар мева ва сабзавотли таомларни тановул қилиши тўғри бўлади. Агар

мана шу рационга амал қилинса, ҳеч бир витаминли қўшимчаларга ҳожат бўлмайди. Олти кун давом этган ушбу йиғиннинг сўнгги кунда, маънавий ва маърифий соатлар ташкил этилиб, пойтахтнинг диққатга сазовор гўшалари ҳамда музейларига ташрифлар уюштирилди.

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»

✓ МОТОКРОСС



Жарқўрғон туманидаги «Қизилмозор» мотосўқмоғида Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ Жанубий оператив қўмондонлиги, вилоятдаги куч тузулмалар, туман ҳокимлиги ҳамкорлигида спортнинг мотокросс тури бўйича Ўзбекистон чемпионати ва биринчилигининг I босқичи ҳамда Меҳнат қаҳрамони Норали Боймуродов хотирасига бағишланган мусобақа бўлиб ўтди.

Унда Козоғистон Республикаси ҳамда Россия Федерациясидан ҳам спортчилар иштирок этишди. Қизғин баҳсларни барча вилоятлардан, қолаверса, қўшни давлатлардан

ЎЗБЕКИСТОН

ЧЕМПИОНАТИ ва

БИРИНЧИЛИГИ

ЎТКАЗИЛДИ

ташриф буюрган 10 мингдан ортиқ томошабин кузатиб борди. Икки кун давом этган беллашувнинг илк кунда 18 ёшгача бўлган 35 нафар ёш спортчи мотоциккларда ўз маҳоратини намойиш этди. Ўзбекистон чемпионати ва биринчилиги мусобақасининг очилиш маросимида Сурхондарё вилоят ҳокимлиги, «Ватанпарвар» ташкилоти марказий ва вилоят кенгашлари ҳамда Жанубий оператив қўмондонлиги раҳбарлари сўз олиб, сўнгги йилларда мамлакатимизда спортнинг барча турларини омалаштиришга қаратилаётган эътибор, жисмонан соғлом ёш авлодни камол топтириш, уларнинг Ватанга муҳаббат, аجدодлар жасоратига ҳурмат руҳини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлашди. Мотосўқмоқда бошланган мусобақаларда 18 ёшдан катта бўлган 75 дан ортиқ спортчи мотоциккларда

ўз кучи ва техникаларни бошқариш санъатини синовдан ўтказиб, томошабинларга ўзгача завқ бағишладди. Қизғин баҳсларга бой бўлган мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 9 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёшлар ҳамда 18 ёшдан катталар қатнашди. Байрамона ўтган беллашув доирасида Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ Жанубий оператив қўмондонлиги замонавий янги ҳарбий техникалар ва қурол-аслаҳалар кўргазмасини ташкил этди. Вилоят спорт ва туризм бошқармаси томонидан спортнинг стол тенниси, арқон тортиш, тош кўтариш ҳамда қўл кучини синаш турлари бўйича мусобақалар уюштирилди. Ўзбекистон биринчилиги мусобақасида умумжамоа ҳисобида 1-ўрин Сурхондарё, 2-ўрин Тошкент ва 3-ўринни Навоий вилоя-

ти кенгашлари терма жамоалари эгаллади. Ғолиб бўлган жамоа ва спортчиларга «Ватанпарвар» ташкилоти марказий ва вилоят кенгашлари ҳамда бошқа ҳамкорларнинг диплом, фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалари топширилди. Тадбирда вилоят спорт ва туризм бошқармаси томонидан кураш, бокс, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ Жанубий оператив қўмондонлигининг Фахрий қоровул шахсий таркиби ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг қўл жанги бўйича кўргазмалари чиқишлари намойиш этилди. Санъаткорлар ва Термиз гарнизони ҳарбий оркестрининг концерт дастури барчага бир олам қувонч улашди. III даражали сержант Акбар АҲМЕДОВ Термиз гарнизони

Muallif surataga olgan

ХУРЛИК

(воқеий қисса)



ФИДОЙИЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

СЎНГИ ОЛИШУВ

Янгиобод шаҳарчаси яқинидаги тоғларга туташ дачаларда ҳарбий ҳаракатлар давом этмоқда. Атроф қор, совуқ изғирин эсмоқда. Ўлими яқинлигини билган тўрт нафар жангари дача ичида каламушлардек ўзини ҳар томонга урар, не бўлганда ҳам яшашни истарди.

– Отган ўқларимизнинг ҳаммаси бефойда кетяпти, – асабий сўкинди хумкалла, – исковичлар ҳарбий машиналар панасида туриб ўқ узаяпти.

– Энг ёмони, захирамиз тугаяпти, бўёғига нима қиламиз? – ташқаридан кўз узмай, гумашталаридан сўради дўнгпешана Руслан. – Агар шаҳидликни бажо келтиришимизга тўғри келса, қўлимиздаги хариталарни йўқ қилишимиз керак.

– Ёнимиздаги дачада биқиниб ётган Саид йигитлари билан ҳужум қилиб, атрофимиздагиларни тинчитса, балки...

– Умид қилма! Биринчидан, биз ҳар томонлама қуршовдамиз, ҳеч ким қутқара олмайди. Иккинчидан, Саид ҳеч қачон сен айтгандек ҳужум қилмайди, – хумкалланинг ҳафсаласини пир қилди Меҳмет. – «Зиммамиздаги улуг ишни бажаришимиз керак», деб қанча керак бўлса, шунча писиб ётади. Юқоридаги катта амирларга ўта садоқатли у. Аммо исковичлар уларни ҳам топмасдан қўймайди, ҳаммасининг қуни битгани аниқ.

– Ҳе, ўша амирларниям... – бисотидаги бор ифлос сўзлар билан сўкинди хумкалла. – «Сизларга ёрдам берадиганлар бор, кутяпти», деб йўлга чиққаннимиздан кейин сўзидан қайтди номардлар. Агар шу ердан қутулсам, нима қилишни ўзим биламан! Ҳозир эса, – қуролини алам билан қўлига олди у, – бизни ўраб олган ҳарбийлардан бирортасининг юрагига қўрғошин жойлаб...

Хумкалланинг сўзи тугар-тугамас, дача ичига шиддат билан бостириб кирган БТР машинаси биринчи бўлиб унинг бошини мажаклади. Қолганлари эса ҳарбий машина силсиласида қулаган дача ичида ажалини топди...

Жаллод гумашталарининг аянчли ўлим топганини дераза тирқишидан кузатиб турган хоин Саид чуқур уҳ тортди. Катта амирлар топширигини бажаришга онт ичган жангари йўл охирига етиб келганини англаганди. Тўғри, ҳозирча уларни ҳеч ким сезгани йўқ, аммо қотиллар биқиниб ётган дача ҳам махсус гуруҳ посбонлари томонидан жиддий текширувдан ўтиши тайин эди. Ўз халқига қўл кўтарган манқурт Саид қўлидаги қуролини кўздан кечирди-да, ёнидаги шерикларига юзланди. Нигоҳида «улуг иш»ни бажаришга бўлган умид, ишонч эмас, тушкунлик, алам ва видолашув мужассам эди шу тобда.

– Ҳамма қўлига қуролини олсин, кофирлар билан жанг қиламиз! – шерикларига буюрди у.

– Улуғ ишни бажариш бизга қолди, дамингизни чиқармай, тек ётинглар, дегандингиз, – ноумид овозда унга эслатди ёш жангарилардан бири. – Балки, улар бизни пайқамас.

Қўл остидаги яшашга бўлган иштиёқи баланд, қони қайноқ, навқирон йигитларнинг ўлимга рўбарў бўлиши осон эмасди. Террорчилар лагерида берилган катта ваъдалар сароб экани, амир деб аталмиш жаллод террорчилар учун пашшадек қадри йўқ қул экани исботини топганди. Жангариларнинг топширигини бажарадими-йўқми, ўлим қарши олишини англаган ҳолда «улуг вазифа»га юборилганини барчаси тушуниб етганди.

– Ҳарбийлар шу ерда эканимизни барибир билади, бошқа йўлимиз йўқ. «Дори» ичиб олинглар, юрагингиз бақувват бўлади, – унинг саволига совуққон жавоб қайтарди Саид. – Қани, ҳамма жанг қилиш учун ўзига қулай жой ҳозирласин. Олдиларингда

граната бўлиши шарт. Қўлга тушиш эҳтимоли бўлса, Аллоҳ йўлида шаҳидликни бажо келтиришни унутманг! Биродарлар, сизлар билан жаннатларда кўришамиз, бошладик!

Саид шундай деди-да, дераза ойнасини автомат қўндоғи билан синдириб, ташқарида турган ҳарбийларга қарата ўқ узишга тушди.

Бу орада «Барс» ва «Қоплон» йигитларининг бир қисми Саид бошчилигидаги жангарилар яширинган дача ичини текшириш учун ҳаракат бошлаганди. Кутилмаганда жангарилар томонидан бошланган ҳужум сабаб посбонлар ўзини панага олиб, мудофаага ўтди. Аммо капитан Равиль Василев террорчилар ўқидан ерга қулади. У ётган жой террорчиларга қафтдек кўриниб турар, тинимсиз ёғилаётган автомат ўқлари сабаб

– Унга яқинлаша кўрманг! – буюрди катта лейтенант Баҳриев. – Бу иблиснинг пастга қараб ётишига қараганда бир гап бор.

– Унда нима қилайлик, командир? – сўради посбонлардан бири.

– Узун трос сим керак. Ўшани кийимига олиб, тортиб кўрамыз.

Гуруҳ командири янглишмаганди. Ярадор қашқир трос сим орқали тортилганида, кўксига босиб турган граната ишга тушди...

«Барс» батальони ва «Қоплон» отрядининг посбонлари ҳамда қўшимча кучлар томонидан тўрт юздан зиёд дача кўздан кечирилди. «Янгиобод» операцияси маълум йўқотишлар эвазига муваффақиятли якунланди. Энг асосийси, Ватан ҳурлиги, халқ осойишталигига дахл қилмоқчи бўлган, махсус лагерларда қўпоровчилик, жаллодлик сабоғини олган ўн тўрт нафар террорчи йўқ қилинди...

Тошкент вилояти прокуратураси махсус тергов гуруҳи ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси адлия майори Сотволди Маматқулов вилоят прокурори қабулига кирди.

– Ахборот беришга рухсат этинг, ўртоқ полковник!

– Эшитаман, Маматқулов!

– Янгиобод операцияси бўйича халқаро террорчилар билан боғлиқ тергов ҳаракатлари якунланди. Тергов гуруҳи раҳбари сифатида аниқланган маълумотлар юзасидан ахборот бермоқчиман.

– Яхши, тергов давомида муаммолар бўлмадими, барчаси асосли ҳал этилдими?

– Худди шундай!

– Эшитаман, террорчилар билан боғлиқ нималар аниқланди?

– Махсус лагерларда тайёрланган ваҳобий диний оқимиға мансуб ўн тўрт нафар террорчи Тожикистон орқали яширин равишда айланма тоғ йўллари билан мамлакатимизга кириб келган. Жангарилар олдидан ашёвий далил сифатида топилган хариталар, улардаги махсус белгилар, портлатиш моддалари тайёрлаш хомашёларига қараганда, террорчилар гуруҳининг мақсади Чотқол тоғлари, яъни Янгиобод кўриқхонаси орқали Чорвоқ сув омборига ўтиб, уни портлатиш бўлган. Бу билан мамлакатимиздаги барқарор муҳитни издан чиқариш режалаштирилган.

– Аммо босқинчиларнинг жиноий режаси амалга ошмай, тинчлик ҳимоячилари томонидан барчаси йўқ қилинган, – унинг сўзини давом эттирди прокурор. – Бироқ жаллодлар сабаб ҳалок бўлганлар бор, шундайми?

– Худди шундай! Жангарилар уч нафар ички ишлар ходими, уч нафар махсус гуруҳ посбон, уч нафар ўрмон қоровули ва икки нафар овчининг жонига қасд қилган. Уларга қарши ҳарбий ҳаракатларда ярадор бўлган бир қатор Ички ишлар ва Мудофаа вазирлиги ходимлари бор.

– Террорчилар орқасида кўтариб келган портлаткич хомашёлари билан Чорвоқдек катта сув омборига дахл қилиши қийин. Демак, бу ерда босқинчиларни қўлловчи кимлардир бор. Бу дегани, Ватан муҳофазаси йўлида доимий хушёрлик, ҳурлик ҳимояси йўлида бедорлик, фидойилик зарур!

Қўл етмас чўққига ин қурган бургут мусаффо осмонда сокин парвоз қилади. Шу тариха ўлжа излайди, ўз ҳудудини ҳимоя қилади. Мана у қанотларини кенг ёйганча недандир ҳадикда, бу дегани, ҳудудига дахл қилгучи нимадир бор...

Зулфия ЮНУСОВА,
 «Vatanparvar»

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлиғини сақлаш, касбга йўналтириш ҳамда тадбиркорликка кенг жалб этиш, шунингдек, гендер тенгликни таъминлаш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисм ва бўлинмаларида ҳам мазкур йўналишдаги чора-тадбирларни янада жадаллаштириш мақсадида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

ОСОЙИШТА

сарҳад – барчамизники!



Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар ва чегара олди туманлари ҳокимларининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда ҳарбий қисмлардаги мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган мазсуллар иштирокида илк маробата, республика миқёсида онлайн форматда «Осойишта сарҳад барчамизники!» шиори остида ўтказилган видеомулоқот аввалида, 2022 йилда ҳамкорликдаги чора-тадбирлар дастури асосида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар сарҳисоб қилинди.

Хусусан, ўтган йил давомида ҳарбий хизматчиларнинг оилаларидаги муаммоларини ўрганиб, бартараф этилишида амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида олис чегара олди ҳудудларига 130 мартабага яқин хизмат сафарлари ташкил этилиб, мазкур жараёнда 3 000 дан ортиқ хонадоннинг шароитлари ўрганилгани, 2 400 га яқин профилактик ва давра суҳбатлари ўтказилиб, 1 071 нафар аёл иш билан таъминлангани, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг 1 000 нафардан ортиқ фарзанди Мактабгача таълим ташкилотларига, 702 нафарини эса мактабларга жойлаштирилишида амалий ёрдам кўрсатилгани таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида вилоятлар кесимида ҳам соҳа мутасаддиларининг фикр-мулоҳазалари тингла-

ниб, ҳамкорликдаги вазибаларни белгилаш ва олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши хусусида ҳам ўзаро келишиб олинди.

Мулоқот давомида Чегара қўшинларидаги ҳарбий хизматнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, келгусида аҳоли пунктларидан узоқда жойлашган, қийин иқлим шароитли, тоғли ва чўл ҳудудларидаги бўлинмалар ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари учун мунтазам равишда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда тиббий таъминоти даражасини янада яхшилашга алоҳида эътибор қартилиши таъкидлаб ўтилди.

Яқунда тадбир қатнашчилари Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари тарихи музейида бўлиб, бу ердаги экспонатлар орқали чегара тушунчаси, унинг пайдо бўлиши ва даврий ривожланиши тарихи ҳамда қўшинларда амалга оширилаётган тизимли ислохотлар билан яқиндан танишдилар.

Бир сўз билан айтганда, оила ва хотин-қизлар билан ишловчи соҳа вакиллари бир ерга жамлаган мазкур видеомулоқот, келгусида ўзаро ҳамкорлик кўприкларини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Майор Фариди БОБОЖОНОВА
ДХХ Чегара қўшинлари

КЕЧИНМА

БАҲОРНИНГ БИРИНЧИ КУНИ

Наврўзбек қанчалик кўзларини юмиб, ухлашга уринмасин урдасидан чиқа олмади. Бироз чалғиш мақсадида ҳозиргина отасидан эшитганларини тасаввур қилиб кўрмоқчи бўлди.

Гўё, мўъжиза содир бўлгану дунё яшариб кетгандек. Ҳар ким ўзича хурсанд, қувнок, кишилар бир-бирларига меҳр-муҳаббат, табассум улашишган. Бўтакўз ва чиройли гуллардан чамбарак дўппи қилиб, толбаргақлар таъқиб йўнингга тушаётган қизалоқлар бир-бирларига гал беришмайди. Хув ана, ҳўл хивчиндан жамалак бойлаган қизчанинг сочларидан бир йигитча тортиб қочди. Нарироқда бир гуруҳ қизлар тўпланиб, чанқовуз, сибизик чалишяпти.

Ажойиб. Илгаридан одамлар уйғониш фаслида роса яйрашган эканда, дея ўйлаб ётарди бола шифтга термилган кўйи. Балки, жамалақдан тортиб қочаётган йигит унда кўнгли борлигини ҳам билдириб қўяётгандир. Ҳозирги Наврўз сахналарида ҳам ўша қадриятлар акс эттирилади-ку. Аёллар йил бошида гуноҳларимиз тўкилади, дея ҳалинчалақларда учишади. Ҳожар момонинг айтишича, баландроққа кўтарилганинг сари орзуларингга яқинлашиб боравераркансан. Келти-

рилган таомлар қайта тақсимлангач, бир қозондан тарқатилиши шарофатидан ўзаро муҳаббат ортаркан.

Бола нега шу пайтгача бу тўғрида катталардан сўраганига таажжубда эди. Чунки отаси Наврўз билан боғлиқ удумларнинг янги жиҳатларини шунчалик кўп келтирдик, хотирида умумлаштириб олишга ҳам улгура олмай қолди. Ўша даврларда сумалак ҳам яширинча қилинар экан. Белгиланган уйга ун чиқарилиб, тайёрлаб бўлгач, коса-косалаб улашилган. Келин саломлар одат тусига кирганлигини эшитган бола Наврўз ҳақида онасининг айтаётганларини диққат билан тингларди. Тасаввурига зўр бериб, олтмишдан ошган Зумрад аммасининг саломга эгилганини хаёл қилди. Улар

тенги момоларнинг дўппи, кашта тикиб, алла айтаётганини кўз олдида келтирди.

Эртага отаси айтгандек, ҳашарга чиқади. Тун яримлаб қоляпти, аммо алланарсалар уйку деганларини ҳам қочириб юборди. Қанча уринмасин, қалби қўмсаётган айём соғинчи қабоқларига ўрнашишга уринаётган

«юк»ни тумтарақай тарқатиб юборарди. Ўрнидан турди, қоғоз билан қалам топиб, баҳор фаслида, айём арафасида унутиб қўймаслиги учун зарур юмушларни қайд этиб қўйди. Фақат тонг тезроқ ёриша қолса бўлгани. Чунки тонг отса, баҳорнинг биринчи кун.

Азиз НОРҚУЛОВ



SHOHSUPA

(xabarlar)



DZYUDO

Toshkent shahri 3–5-mart kunlari dzyudo bo'yicha "Parij – 2024" yozgi Olimpiya o'yinlariga reyting ochkolari taqdim etadigan "Katta Dubulg'a" turniriga mezbonlik qiladi. Musobaqaning mukofot jamg'armasi 154 ming yevrodan iborat. Unda qatnashish istagini bildirgan davlatlar soni 50 tadan oshdi, 378 nafar sportchi ro'yxatdan o'tkazilgan. Turnirda g'olib chiqqan sportchi "Parij – 2024" yo'lida 500 reyting ochkosiga ega bo'ladi. O'zbekiston terma jamoasi tarkibiga Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi polvonlari ham jalb etilgan.

KARATE

BAAning Fujayra shahrida karatening WKF yo'nalishi bo'yicha "Yoshlar ligasi" xalqaro turniri bo'lib o'tdi. Unda dunyoning 67 davlatidan 100 nafar karatechi turli yosh toifalarida g'oliblik uchun o'zaro raqobatlashdi. Musobaqada ishtirok etgan o'zbekistonlik sportchilar 2 tadan oltin, kumush va bronza, jami 6 ta medallarga sazovor bo'lishdi.

OT SPORTI

O'zbekiston yoshlar terma jamoasi a'zolari ot yo'rttirish bo'yicha Qozog'istonda o'tkazilgan "Almati kubogi" va "Do'stlik kubogi" musobaqalarida 2 tadan kumush va bronza medallariga egalik qilishdi. Hamyurtimiz Yusra Fayz ikki bor shohsupaga ko'tarildi. U dastlab "Chek" laqabli otda "Do'stlik kubogi"da 2-o'rinni egalladi. "Almati kubogi"da ham mezbon sportchiga kichik farq bilan imkoniyatni boy berib, kumush medal bilan taqdirlandi. O'smirlar o'rtasida kechgan bahslar yakunida hamyurtlarimiz Darya Moseva hamda Yana Pavliyeva bronza medallik bo'ldi.

STOL TENNIS

Misr, Chili, Kamerun, Fransiya, Buyuk Britaniya, Gretsiya, Kot-d'Ivuar, Hindiston, Iordaniya, Yaponiya, Qozog'iston, Mavrikiy, Pokiston, Ruminiya, Saudiya Arabistoni, Ispaniya va Shri-Lankaning 91 nafar erkak va 41 nafar ayol tennischisi ishtirok etgan Misr "Para open" turnirida o'zbekistonlik matonatlil va irodali para sportchi Sunnatillo Murodullayev shohsupaga ko'tarildi. Mezbonlar vakili Kameliya Siripanga qarshi shiddatli kechgan final bahsida hamyurtimiz so'nggi pallada 3:2 hisobida imkoniyatni boy berib, kumush medal bilan taqdirlandi.

"PARIJ – 2024"

1–18-mart oralig'ida yurtimizda dzyudo, yengil atletika, qilichbozlik va futbol bo'yicha to'rtta jahon ahamiyatiga molik yirik turnir tashkil etiladi. 3–5-mart kunlari "Yunusobod sport majmuasi"da dzyudo bo'yicha "Parij – 2024" yozgi Olimpiya o'yinlariga reyting ochkolari taqdim etadigan "Katta Dubulg'a" turkumiga kiruvchi turnir, 2–9-mart kunlari poytaxtimizdagi "Jar" sport majmuasida qilichbozlik bo'yicha yoshlar va o'smirlar o'rtasida qit'a chempionati, 12-mart kuni Toshkentda "Parij – 2024"ga Olimpiya ochkolarini taqdim etadigan "V International Tashkent Marathon" va 13 ta hududda "Yangi nafas" yugurish musobaqalari bo'lib o'tadi. 1-mart kuni Toshkent va Farg'ona stadionlarida boshlangan 20 yoshgacha bo'lgan futbolchilar o'rtasidagi qit'a chempionati bahslari esa ayni paytda qizg'in pallaga ko'tarildi.



Bolgariyaning Sofiya shahrida boks bo'yicha "Stranja" xalqaro turniri o'tkazildi. Tarkibidan Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakillari ham o'rin olgan O'zbekiston terma jamoasi jami 18 ta medalga musharraf bo'lib, umumjamoasi hisobida 1-o'rinni egalladi.

O'ZIGA XOS REKORD NATIJALAR



74 marta tashkil etilgan "Kichik jahon chempionati" maqomidagi an'anaviy turnir bu safar dunyoning 40 ga yaqin davlatidan 200 nafardan ziyod mahoratli bokschini, xususan 50 nafarga yaqin Olimpiya o'yinlari, jahon chempionatlarining g'olib va sovrindorlarini o'zida jamladi. Ana shunday nufuzli musobaqada yurtimiz charm qo'lqop ustalari yuqori mahorat namoyish etishdi.

Avvalo, shuni ta'kidlash joiz, Xalqaro boks assotsiatsiyasi (IBA) 2022-yil yakunlari bo'yicha e'lon qilgan reyting natijalariga ko'ra, O'zbekiston 135 ta davlat orasida 2-o'rinda qayd etilgandi. Albatta, bu bokschilarimizning mavsum davomidagi katta mehnati samarasi, qit'a chempionati va dunyo miqyosidagi yirik turnirlarda erishgan ulkan muvaffaqiyatlari mahsuli – yuqori natija bo'lsa-da, to'g'risi, reyting ko'rsatkichi charm qo'lqop ustalarimizni ham, yurtimiz boks muxlislarini ham unchalik qoniqtirmagandi. Buni bokschilarimiz joriy mavsumning yirik musobaqalaridan biri – "Kichik jahon chempionati" maqomidagi "Stranja" xalqaro turniri mobaynida g'alabaga bo'lgan chanqoqliklari bilan isbotlashdi. Yakunda Sofiya shahriga borgan 27 nafar bokschimizning 18 nafari shohsupaga ko'tarildi. O'zbekiston terma jamoasi turnirning 7 ta oltin, 5 ta kumush va 6 ta bronza medaliga erishib, umumjamoasi hisobida 1-o'rinni egalladi. Ushbu muvaffaqiyatga Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi vakillari ham munosib ulush qo'shishdi.

MVSM vakili Saidjamshid Ja'farov Bolgariyada yuqori natijani namoyish etib, qaysidir ma'noda joriy yil 1–14-may kunlari poytaxtimizda o'tadigan jahon chempionati oldidan asosiy tarkibni aniqlab olish bo'yicha qiyalayotgan terma jamoamiz murabbiylari mushkulini ham osonlashtirdi. Chunki so'nggi yillarda –71 kg vazn toifasida terma jamoamiz safida ikki yetakchi raqobatchi paydo bo'ldi – biri ikki karra Osiyo chempioni Saidjamshid Ja'farov bo'lsa, biri Osiyo o'yinlari g'olibi Iqboljon Xoldorovdir. Ularning ikkisi ham Bolgariyadagi turnirga bordi. Armiyamiz bokschisi birinchi jangini isroillik Kapuler Miroslavga qarshi o'tkazib, 5:0

hisobida g'alaba qozondi. Iqboljon Xoldorov ham ilk jangini g'alaba bilan yakunladi. Qizig'i "Stranja" qur'asi terma jamoamiz raqobatchilarini ikkinchi bosqichdayoq bir-biriga qarama-qarshi qo'ydi. Bu "derbi"da Ja'farov 5:0 hisobida zafar qozonib, terma jamoamiz murabbiylarining ham savollariga oydinlik kiritdi. Armiyamiz bokschisi chorak finalda serbiyalik Vaxid Abbasovdan ustun kelgan bo'lsa, yarim finaldagi raqibi daniyalik Nikolay Terteryan 1-raunddayoq jangni to'xtatdi.

Shu tariqa, MVSM vakili va O'zbekiston terma jamoasining yana 11 nafar bokschisi turnir finaliga muvaffaqiyatli yetib keldi. Saidjamshid Ja'farov oltin medal uchun jangda turkiyalik Erdemir Tugrulxanni mag'lub etdi va chempionlikni tantana qildi.

Muxlislar MVSMning yana bir boy tajribaga ega bokschisi – jahon chempioni Mirazizbek Mirzaxalilovning ham Sofiyada g'oliblik shohsupasiga ko'tarilishini kutishgandi. –54 kg vazn toifasidagi bu bokschimiz "Stranja" xalqaro turnirida Yasen Radev (Bolgariya), Dilan Igleston (Irlandiya), Karlo Paalam (Filippin) va Federiko Serra (Italiya) kabi bokschilar qarshiligini yengib, finalgacha yetib bordi. Biroq hal qiluvchi so'nggi jangda mezbonlar vakili Yasen Radevga imkoniyatni boy berib, kumush medal bilan kifoyalandi. MVSMning yana bir vakili Shunqor Abdurasulov (–60 kg) esa Bolgariyadan bronza medali bilan qaytdi.

Bosh murabbiy Elshod Rasulovning bildirishicha, boks bo'yicha O'zbekiston ayollar terma jamoasining asosiy tarkib a'zolari ayni paytda joriy yil 15–31-mart kunlari Hindistonda o'tadigan jahon chempionatiga hozirlik ko'rmoqda. Shu bois Bolgariyaga zaxiradagi ixcham tarkib borgan va bokschi qizlarimizning turnirdagi natijalari ham shunga yarasha bo'ldi.

Turnirning o'zbek boksining qudrati bardavomligidan dalolat beruvchi tarixiy ahamiyatga molik yoxud alohida qayd etish lozim bo'lgan jihatlari:

O'zbekiston terma jamoasi sermahsullik bo'yicha "Stranja" turniri tarixidagi o'z rekordini yangiladi – 27 nafar bokschidan 18 nafari sovrindorlar safidan joy oldi;

2 ta vazn (–63.5 kg va –67 kg) toifasi bo'yicha final jangi faqat bizning vakillar o'rtasida kechdi;

Terma jamoamiz ilk bor ushbu musobaqada 7 ta oltin medalga sazovor bo'ldi, o'z navbatida, ketma-ket ikkinchi marta umumjamoasi hisobida 1-o'rinni egalladi;

Mujibillo Tursunov va Hasanboy Do'smatov ketma-ket, Bahodir Jalolov (2021, 2023) esa umumiy hisobda ikkinchi bor ushbu turnir g'olibiga aylandi.

O'zbekiston erkaklar terma jamoasi bosh murabbiyi To'lqin Qilichevning ta'kidlashicha, "Stranja" turniri joriy yil 1–14-may kunlari poytaxtimizda o'tadigan jahon chempionati, kuz faslida Xitoyda o'tadigan yozgi Osiyo o'yinlari hamda "Parij – 2024" Olimpiadasi yo'llanmalari uchun o'tkaziladigan turnirlarda yurtimiz sharafini himoya qiladigan tarkibni aniqlab olish vazifasini ham o'tadi.

"Stranja" xalqaro turniri sovrindorlari:

OLTIN MEDAL SOHIBLARI:

- 48 kg: Shodiyorjon Meliqo'ziyev
- 51 kg: Hasanboy Do'smatov
- 63.5 kg: Mujibillo Tursunov
- 67 kg: Asadxo'ja Mo'ydinxo'jayev
- 71 kg: Saidjamshid Ja'farov (MVSM)
- 86 kg: Shohjahon Abdullayev
- +92 kg: Bahodir Jalolov

KUMUSH MEDAL SOHIBLARI:

- 54 kg: Mirazizbek Mirzahalilov (MVSM)
- 60 kg: Adhamjon Muhiddinov
- 63.5 kg: Ruslan Abdullayev
- 67 kg: Begzod Hamidov
- 48 kg: Saidaxon Rahmonova

BRONZA MEDAL SOHIBLARI:

- 60 kg: Shunqor Abdurasulov (MVSM)
- 60 kg: Dilshod Abdumurodov
- 63 kg: Xadichabonu Abdullayeva
- 71 kg: Nurislom Ismoilov
- 75 kg: Havasbek Asadullayev
- 80 kg: Jasurbek Yo'ldoshev

Musobaqa yakunida O'zbekiston terma jamoasi bosh murabbiyi To'lqin Qilichevga "Stranja" xalqaro turnirining maxsus sovg'asi tantanali ravishda topshirildi.

Инсоният яқин йилларда йирик глобал хатар билан рўбарў келиши мумкин. Бу – семизлик! Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сўнгги 30 йил мобайнида дунёда семиз одамлар сони уч баравар кўпайган ва 2030 йилга бориб, Ер юзи аҳолисининг қарийб 45 фоизи ана шу дардга йўлиқиши мумкин.

Семизлик – тана вазни белгиланган меъёрга нисбатан 20 фоиз ва ундан кўпроқ ортиши билан намоён бўлади. Тана вазнининг ортиб бориши, ортиқча ёғлар ҳисобига саломатлигининг издан чиқиши бўлиб, тери ости ва тананинг бошқа жойларида меъёрдан ортиқ ёғ тўпланиши натижасида келиб чиқади.

Америка эндокринологлари уюшмасининг 23-конгрессида семизлик ҳатто сурункали касаллик сифатида таърифланган. Семизликка қандай таъриф берилишидан қатъи назар, ортиқча тана вазнига эга ва семизлиги мавжуд бўлган ҳар қандай соғлом одам турли хил касалликларга чалиниш эҳтимоли ортади. Семизлигининг энг салбий жиҳатлари шундаки, метаболик синдром, қандли диабет, юрак ишемик касаллиги, миокард инфаркти, инсулт, гипертония касаллиги, сурункали вена қон томирларининг етишмовчилиги, холецистит ва ўт-тош касаллиги, артритлар, остеохондроз ва остеоартрозлар, умуртқа поғонаси чурралари, жигарнинг ёғли дистрофияси ҳамда онкологик касалликларга сабаб бўлиши мумкин.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) статистик маълумотларига кўра, юрак-қон томир касалликлари Ер юзида ўлимнинг асосий сабабчиси бўлиб, айнан семизлик унинг ривожланишига олиб келади. Қолаверса, пандемия шароитидаги тажрибалар ҳам кўрсатдики, ортиқча вазнли беморларда коронавирус касаллиги оғир кечиб, кўп ҳолатларда ўлимга олиб келди.

ОРТИҚЧА ВАЗН ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?

Семизлик истеъмол қилинган овқатнинг энергетик қуввати билан организмнинг сарф қилган энергияси ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши, яъни кам энергия сарф қилиб, кўп озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш натижасида ортиқча энергия ёғ шаклида тананинг ҳар хил қисмлари-

СЕМИЗЛИК ТЎҚЧИЛИКМИ?

да тўпланиб қолиши натижасида юзага келади.

Одам организми, эволюцион тарзда овқат етарли бўлган пайтда уни захира сифатида тўплаш ва овқат етарли бўлмаганда, уни сарфлашга мослашган. Бироқ унинг ҳаддан ташқари кўп тўпланиши ва сарф этилмаши тана вазнининг аста-секин ошиб, семиришга олиб келади.

Семизлиكنинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи омиллар: кам ҳаракатланиш; нотўғри овқатланиш ёки психологик бузилишлар (овқатланишнинг психоген бузилиши); ирсий омиллар, яъни ёғ ҳосил қилувчи ферментлар фаоллигининг ошиши ва ёғларни парчаловчи ферментлар фаоллигининг пасайиши; эндокрин касалликлар; стрессларга берилувчанлик; гипоталамус функциясининг бузилиши; психотроп дори воситаларини истеъмол қилиш; уйқусизлик; гормонал контрацептивларни қўллаш; инсулин ва инсулин синтезини кучайтирувчи моддаларни истеъмол қилиш.

СЕМИЗЛИК ҚАНДАЙ ЎЛЧАНАДИ?

Семизлиكنи аниқлашда асосан «Тана вазни индекси» (ТВИ)дан фойдаланилади, бу килограммларда аниқланган тана вазнини, киши бўйи узунлигининг метр квадратига бўлинмасига тенг, яъни тана вазни индекси = тана вазни (кг) / бўйи м².

ТВИ 16 кг.дан кам бўлса, юқори тана вазн етишмовчилиги 18,5 кам бўлса, вазн етишмовчилиги, 18,5-24,9 бўлса, идеал вазн (меъёрий), 25-29,9 ортиқча вазн, 30-34,9 бўлса, семизлик биринчи даражаси, 35-39,9 семизлик иккинчи даражаси, тана вазни индекси 40 дан ортиқ бўлса, семизлик учинчи даражаси ёки морбид семизлик деб белгиланади.

Масалан: киши вазни 90 кг, бўйи 175 см.

$90 : (1.75 \times 1.75) = 90 : 3,06 = 29,4$. Демак, ТВИ ортиқча вазн.

Одам танасида ортиқча ёғ йиғилиши асосан 2 хил кўринишда бўлади:

эркакларда ёғ асосан қорин девори ва қорин ички қисмида йиғилади, яъни бу олма шаклидаги семириш деб ҳам айтилади; аёлларда ёғ асосан сон ва тос соҳасида йиғилади, бу нок шаклидаги семириш дейилади.

БЕЛДАГИ БЕЛГИ

Тиббиётда семизлиكنи аниқлашнинг яна бир усули



ЙЎҚ, КАСАЛЛИК!



ҳиссини пайдо қилувчи ва ичакда озиқ моддалар сўрилишини камайтирувчи дори-дармонлар билан семизлиكنи даволаш оммалашмоқда. Дунёнинг турли марказларида ўтказилган тадқиқотларга кўра, семизлиكنи даволашда фақат дори-дармонлардан фойдаланиш самарасиз амалиёт ҳисоблангани ва дориларнинг ноўя таъсирлари борлиги учун тавсия қилинмади.

4. Психотерапия усуллари. Бу усул ўз-ўзини бошқариш ҳиссини уйғотишга, овқатга бўлган муносабатни ва у билан боғлиқ одатларни ўзгартиришга, жисмоний ҳаракатни доимий ошириб боришга ва ишончли ижтимоий қувватлаш ҳосил қилишга қаратилган.

5. Юқоридаги даволаш усуллари фойда бермаган тақдирда хирургик даволаш усуллари қўлланилади. Бу усул сўнгги чора сифатида, яъни ТВИ 40 дан юқори бўлганда, қўллаш тавсия этилади.

Семизликка сабаб бўлувчи энг кўп учрайдиган омиллар нотўғри овқатланиш ва камҳаракатлик ҳисобланади. Ейилган овқат яхши ва тўла ҳазм бўлиши учун ҳар бир таомланиш орасида камида тўрт-беш соат вақт ўтиши лозим. Тўйиб ейилган таомдан кейин унинг кучини жисмоний ёки ақлий меҳнатга сарфлаш, ҳеч бўлмаганда, бадантарбия машқларини қилиш керак. Лекин амалда бундай бўлмайди, кишилар тўйиб овқатлангандан кейин кўпинча ёнбошлаб ва ётган ҳолда телевизор кўришади ёки ухлашади. Овқатланишдаги пала-партишлик, ейилган турфа таомларнинг истеъмолидан ҳосил бўладиган энергияни ўз вақтида жисмоний ҳаракат-

лар орқали сарфламастик кўп ўтмай, ортиқча семириб кетишга олиб келади. Тавсияларга кўра, ошқозоннинг учдан бири овқатга, яна бир қисми ичимликка, қолган бир қисми эса нафас олишга қолдирилиши лозим. Шунинг учун тўйиш ҳисси пайдо бўлмасдан олдин таомланишни тўхтатиш зарур.

Шифокорлар эса озишда овқатланишнинг мўътадил режимига риоя қилиш, таомдан бутунлай воз кечмай, балки семиртирмайдиган, озишга ёрдам берадиган қуввати (калорияси) кам табиий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишни тавсия қилишади. Барча таомдан воз кечиш, фақат тарвуз ёки қатиқ истеъмол қилишга ўтган кишиларда учинчи кундан бошлаб диққат-этиборнинг чалғиши ва фикрлашнинг сўниши кузатилган. Айрим озишга киришганлар этиборларини қандай ва нима тановул қилишга қаратмай, спорт ва жисмоний машқларга зўр бера бошлашади. Озиш учун югуриш ва спорт билан фаол шуғулланиш кутилган натижани бермайди. Чунки машқ пайтида танада тўпланган тери ости ёғини эмас, балки организмдаги углеводлар захираси деб аталадиган модда (гликоген)ни сарфлайди, у биринчи лўқмани ейишингиз биланоқ тикланади. Шу сабабдан ортиқча вазн ва семизликка қарши курашишда жисмоний машқлар ва тўғри овқатланишни йўлга қўйиш бирга амалга оширилиши зарур.

Пиёда юриш ҳам семизликдан халос бўлиш йўллари билан бирдир.

Соғлом овқатланишда турли хил сабзавот ва меваларни истеъмол қилишга одатланиш керак бўлади. Ёғли гўшт маҳсулотларини дуккакли маҳсулотларга, балиқ ва парранда гўшти ёки ёғсиз гўштларга алмаштириш, туз ва қандни имкон қадар камроқ истеъмол қилиш, овқат билан бирга чой ичмаслик, табиий шарбатлар ёки қайнатилган сув ичиш каби оддий, ammo муҳим қоидаларга риоя этган маъқул.

Кўриниб турибдики, инсон саломатлиги тананинг вазнига ҳар томонлама боғлиқ.

Вазни йўқотгандан сўнг уни ушлаб туриш керак, чунки йўқотилган вазн нотўғри овқатланиш туфайли қисқа муддатда икки баробар кўпроқ қайта йиғилишига олиб келади. Шу сабабли озиш аста-секинлик билан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Унутманг! Семизлик – бевақт ўлим хавфини уч мартагача оширади. Саломатлигингизга, ҳаётигизга бефарқ бўлманг!

Тиббий хизмат майори Ж. АРАБОВ, Термиз санитария-эпидемиология назорати бўлими бўлими бошлиғи

KO'KRAK NISHONLARI TOPSHIRILDI



Janubi-g'arbiy maxsus harbiy okrug tasarrufidagi Nuriston garnizonida joylashgan harbiy qismda tumanning 20-, 31- hamda 41-umumta'lim maktablari yuqori sinf o'quvchilariga "Vatan tayanchi" ko'krak nishonlarini tantanali topshirish marosimi bo'lib o'tdi.

Okrug boshqaruv apparati ofitserlari, Qarshi harbiy prokuraturasi xodimlari, faxriy harbiylar ishtirokida o'tgan tadbirlarda 100 nafarga yaqin "Vatan tayanchi" bolalar va o'smirlar harbiy-vatanparvarlik harakatiga a'zo o'quvchi taqdirlandi.

Tadbir harbiy qism ofitserlari hamda ko'p yillik harbiy hayot tajribasiga ega faxriylar tomonidan jasorat darslariga ulanib ketdi. Harbiy qismlar nafaqat harbiy xizmatchilarning jismoniy, jangovar hamda ma'naviy-ma'rifiy tayyorgarliklarini oshirish, balki hududdagi yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash uchun ham katta hissa qo'shyapti. Ayniqsa, qismlardagi Amir Temur, Jaloliddin Manguberdi, Zahiriddin Muhammad Bobur singari bobokalonlarimiz hayoti aks etgan xonalar kishida tarixga oid bilimlarni oshirish barobarida yurakdagi jasorat, sadoqat, matonat singari tuyg'ularni ham sayqallaydi.

Harbiy qismdagi ziyo maskani deyarli har kuni ertamiz egalari bilan gavjum. Shinam va yorug' xonalarda mavjud kitoblar har qanday insonni mutolaaga undaydi.

Vatan himoyachilarini bag'riga olgan ushbu maskan endilikda ko'plab bo'lajak yurt qo'rg'onlarini tarbiyalash uchun ham xizmat qilyapti.

Janubi-g'arbiy maxsus harbiy okrug matbuot xizmati

OGOHLIK – DAVR TALABI



Jarqo'rg'on tumani temiryo'l izlari yaqinida joylashgan mahallalar ro'yxatida bo'lgan Paxta zavod, Alisher Navoiy va Jarqo'rg'on minorasi mahallalarida yashovchi fuqarolar bilan "Xavfsiz kun" mavzusida ma'rifiy tadbir bo'lib o'tdi.

Unda Surxondaryo viloyati Transportda xavfsizlikni ta'minlash boshqarmasi Jarqo'rg'on bekati huquqbuzarliklar profilaktikasi guruhi inspektori, mahalla raislari va faollari ishtirok etdi. So'z olganlar temiryo'llarda harakat xavfsizligini ta'minlash, huquqbuzarliklar va baxtsiz hodisalarning oldini olish bo'yicha hayotiy misollar gapirib o'tishdi.

Shuningdek, yoshlar orasida giyohvandlik va psixotrop moddalarning tarqalishiga qarshi kurashish bo'yicha ham temiryo'l yaqinidagi ta'lim muassasalari, mahallalar hamda temiryo'l korxonalarida va fuqarolar o'rtasida profilaktik tushuntirish ishlari olib borildi.

Mayor Jasur XONTO'RAYEV,
Jarqo'rg'on bekati HPG inspektori

UCHRASHUV

DAVLAT HIMOYASIDA

Mudofaa vazirligiga qarashli Toshkent shahridagi harbiy qismlarning birida "Har bir voyaga yetmagan yosh davlat himoyasida" shiori ostida Yunusobod tumanida istiqomat qilayotgan mahalliy yoshlar va o'quvchilar ishtirokida "Rahbar va yoshlar" uchrashuvi bo'lib o'tdi.



Yunusobod tumani hokimi, tuman prokurori, IIB xodimlari va boshqa tashkilotlar bilan hamkorlikda tashkil etilgan tadbirda tashrif buyurgan yoshlarga dastlab harbiy qismda yaratilgan shart-sharoitlar, xususan, harbiy tarix va Yangi O'zbekiston muzeyi, pnevmatik va panoramali o'q otish joylari hamda zamonaviy sport majmuasi yaqindan tanishtirildi.

Harbiy xizmatchilar tomonidan namoyish etilgan qo'l yangi chiqishlari hamda harbiy orkestr ijro etgan kuy va qo'shiqlar mehmonlarda katta taassurot qoldirdi.

Zirhli texnikalar, zamonaviy va jangovar qurol-aslahalarning ko'rgazmasini tomosha qilgan yoshlar qalbida harbiy sohaga bo'lgan qiziqishlari oshganligini

ularning ko'zlaridagi quvonchdan ham bilish mumkin edi.

Yoshlar ishtirokida sport musobaqalari ham yuqori saviyada o'tkazildi. Shundan so'ng tadbir harbiy qism madaniyat markazida davom etdi. Ishtirokchilar o'zlarini qiziqtirgan savollariga soha mutaxassislari tomonidan batafsil javob oldilar.

Yoshlik qilib, bilib-bilmay qilgan qilmishlari natijasida ichki ishlar profilaktik ro'yxatiga kiritilgan va nazoratda turadigan 15 nafar voyaga yetmagan bola, ularning ota-onalari hamda ustozlari ishtirokida tor doirada suhbat bo'lib o'tdi. Ushbu 15 nafar voyaga yetmagan bola qo'mondonlikka otaliqqa berildi. Ularning tarbiyasi, qiziqishlaridan kelib chiqqan holda, har xil ta'lim va sport to'garaklariga jalb qilishga kelishib olindi.

Qo'mondonlik, hokimlik hamda boshqa hamkor tashkilotlarning esdalik sovg'alari va sport anjomlari tadbirda ishtirok etgan yoshlarga tantanali ravishda topshirildi.

Kapitan Ahrorjon SAFARALIYEV

MA'NAVIYAT

HARBIYLAR VA YOSHLAR

O'sib kelayotgan yosh avlodni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularda fuqarolik pozitsiyasini kuchaytirish hamda Vatanga sodiqlik, milliy armiyamizdan faxrlanish kabi tuyg'ularini shakllantirish maqsadida ta'lim muassasalarida harbiy xizmatchilar tomonidan turli ma'naviy-ma'rifiy va madaniy tadbirlar muntazam ravishda o'tkazilib kelinmoqda.



Ana shunday tadbirlardan biri Mudofaa vazirligi Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va aloqa harbiy instituti va Maxsus avariya tiklash boshqarmasi tomonidan Zangiota tumanidagi 42-umumta'lim maktabida o'tkazildi. Unda bir guruh harbiy xizmatchilar, tuman xalq ta'limi bo'limi, ma'naviyat va ma'rifat

bo'linmasi vakillari, umumta'lim maktablarining chaqirivga qadar boshlang'ich tayorgarlik fani rahbarlari ishtirok etdi.

Harbiy xizmatchilar tomonidan namoyish etilgan qo'l yangi chiqishlari, kursantlar yaratgan aloqa vositalarining yangi namunalari yoshlarda katta taassurot qoldirdi. "Impuls" harbiy ansambli tomonidan ijro etilgan Vatanni madh etuvchi kuy-qo'shiqlar tadbirga o'zgacha shukuh baxsh etdi.

Tashkilotchilar tomonidan bir guruh faol o'quvchilarga esdalik sovg'alar va o'quv qurollari, kitoblar to'plami topshirildi.

Mayor Sherqo'zi HAKIMOV,
Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va aloqa harbiy instituti

BANDLIK TA'MINLANDI

Jizzax harbiy prokuraturasi tashabbusi bilan shaharda joylashgan "Ishga marhamat" monomarkazida harbiy xizmatchilarning oila a'zolari bandligini ta'minlash maqsadida mehnat yarmarkasi o'tkazildi.



Harbiy xizmatchilarning oila a'zolarini kasb-hunar va tadbirkorlik ko'nikmalariga o'qitish, ularni doimiy daromad keltiradigan mehnat va tadbirkorlik faoliyatiga jalb qilish orqali bandligini ta'minlash maqsadida monomarkaz faoliyati, o'qitish yo'nalishlari tanishtirildi.

Ishtirokchilarning 15 nafariga markazda o'zlarini tanlagan yo'nalishlar bo'yicha imtiyozli yo'llanmalar topshirildi. Mehnat yarmarkasida kelib tushgan murojaatlar bo'yicha 18 nafar shaxsning ishga joylashtirilishi ta'minlandi. Bundan tashqari, Jizzax harbiy prokurori tomonidan ommaviy sayyor qabul o'tkazildi.

Qabulda jami 100 nafardan ortiq harbiy xizmatchi, ularning oila a'zolari va fuqarolar ishtirok etib, murojaatlarning 7 tasi shu joyning o'zida ijobiy hal qilindi, 18 ta murojaat bo'yicha tegishli soha mutaxassislari tomonidan tushuntirishlar berildi va qo'shimcha muddat talab qilinadigan 5 ta murojaat nazoratga olinib, tegishli davlat tashkilotlariga yuborildi.

Adliya podpolkovnigi Farrux DJUMAYEV,
Jizzax harbiy prokurorining o'rinbosari

PROKUROR VA YOSHLAR UCHRASHUVI



Toshkent viloyatining Olmaliq shahrida yoshlar ishtirokida ochiq muloqot tarzida uchrashuv, ommaviy qabul va bo'sh ish o'rinlari mehnat yarmarkasi tashkil etildi.

Unda Bosh prokuror o'rinbosari – O'zbekiston Respublikasi Harbiy prokurori Botir Kudratxodjayev ishtirok etdi.

Olmaliq kon-metallurgiya kombinati madaniyat saroyida sektor rahbarlari, mudofaa ishlari bo'limi, Yoshlar ishlari agentligi, bandlikka ko'maklashish markazi va boshqa mutasaddi tashkilotlar vakillari hamkorligida tashkil etilgan tadbirda asosan markazdan olisda yashovchi band bo'lmagan 400 nafardan ortiq yosh qatnashdi.

Yoshlarga o'z qobiliyati va salohiyatini namoyon qilishlari uchun yaratilgan sharoit va imkoniyatlar ko'lami, bu borada qonunchilikdagi yangiliklar bilan atroflicha tanishtirilib, o'zlarini tanlagan sohaning yetuk mutaxassisi bo'lib, mamlakatimiz rivoji, istiqboli uchun o'z hissalarini qo'shishlari Vatan oldidagi burch ekanini faol yoshlar misolida atroflicha tushuntirib o'tildi.

Yoshlarning muammolari, taklif-mulohazalari tinglandi va ularni ijobiy hal qilish yuzasidan tavsiya, ko'rsatmalar berildi.



Shaxmat bo'yicha "Harbiy prokuror kubogi" uchun musobaqa o'tkazilib, g'oliblar qimmatbaho sovg'alar bilan taqdirlandi.

Ishlash istagidagi yoshlar shu kuni mehnat yarmarkasiga jalb etilib, ularga ma'lumoti va mutaxassisligiga mos keladigan bo'sh ish o'rinlari taklif etildi.

Adliya mayori Gulchehraxon TURSUNOVA,
Respublika Harbiy prokurorining katta yordamchisi

✓ PROKURORLIK SOATI

OLIS HUDUDDAGI MAKTABLAR E'TIBORDA

Farg'ona harbiy prokuraturasi tomonidan harbiy xizmatchilar, ularning oila a'zolari va yoshlar bilan tadbirlar o'tkazilishi davom etmoqda. Jumladan, markazdan olis hududda joylashgan Farg'ona tumanidagi 11-umumta'lim maktabida "Prokurorlik soati" o'tkazildi.



Harbiy prokuror Sherzod Saidov tomonidan o'quvchilarning Vatanga sadoqat tuyg'ularini va huquqiy savodxonligini oshirish, Qurolli Kuchlar tizimida olib borilayotgan islohotlar, harbiy xizmatchilar va ularning oila a'zolariga yaratilgan sharoitlar yuzasidan tushuntirishlar berib o'tildi. O'quvchi-yoshlarga viloyat Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi faoliyati yaqindan tanishtirildi.

Viloyat bandlik bosh boshqarmasi va boshqa qator

tashkilotlar bilan hamkorlikda Farg'ona garnizoni ma'naviyat va ma'rifat markazi binosida "Bo'sh ish o'rinlari" yarmarkasi tashkil etildi. Tadbirda garnizondagi harbiy qism va muassasalarda harbiy xizmatni o'tab kelayotgan harbiy xizmatchilarning ish bilan band bo'lmagan 70 nafardan ortiq oila a'zolari ishtirok etishdi. Unda 12 tadan ortiq tashkilot, muassasa va korxonalar 200 dan ziyod bo'sh ish o'rinlari bilan qatnashdi. Mehnat yarmarkasi davomida ish bilan band bo'lmagan harbiy xizmatchilarning 7 nafar turmush o'rtog'iga mutaxassisliklari bo'yicha ishga joylashish uchun yo'llanmalar berilishi ta'minlandi.

35 nafar xotin-qizga mehnat faoliyatlarini olib borishlarida zarur bo'lgan 26 ta yo'nalish bo'yicha kasbga qayta tayyorlash oylik o'quv kurslariga o'qishlari uchun bepul yo'llanmalar berildi. Shuningdek, harbiy prokuratura tergovchisi X. Ergashev tomonidan Mudofaa vazirligi tizimidagi harbiy qismda harbiy xizmatchilar bilan profilaktik tadbir o'tkazildi.

Farg'ona viloyati Qo'riqlash boshqarmasi bilan hamkorlikda Farg'ona shahrida joylashgan Prezident maktabida o'quvchilar ishtirokida "Sport – sog'liq garovi" shiori ostida kamondan o'q otish musobaqasi bo'lib o'tdi.

Adliya podpolkovnigi Oybek SHERMATOV,
Farg'ona harbiy prokurorining o'rinbosari

✓ HUQUQIY TARG'IBOT

MUAMMOLAR O'RGANILDI

Toshkent harbiy prokuraturasi okrug qo'shinlari qo'mondonligi bilan hamkorlikda Yashnobod tumanida joylashgan Bolalar musiqa va san'at maktabi hamda Mirobod tumani hokimligi binosida, Yangi O'zbekiston universiteti majlislar zalida "Har bir voyaga yetmagan yosh taqdiri davlat himoyasida" shiori ostida uchrashuv o'tkazildi.



Unda Toshkent harbiy prokurori A. Boboyev, Toshkent shahri hokimining harbiy masalalar bo'yicha maslahatchisi P. Dushayev hamda Yashnobod va Mirobod tumani hokimligi vakillari, tumani IIB boshliqlari, mahalla yoshlar yetakchilari, tuman sektor rahbarlari va mas'ullari ishtirok etdi.

Shuningdek, voyaga yetmagan yoshlarning muammolarini o'rganish maqsadida ularning ota-onalari roziligi bilan rahbar xodimga birlashtirish choralarini ko'rdi.

Adliya podpolkovnigi Alisher QURBONOV,
Toshkent harbiy prokurorining yordamchisi

AYOLLARGA KICHIK E'TIBOR

8
MART

AYOLLAR BEKATI

Ona dunyodagi eng qadrli va qimmatli zotdir. Shuning uchun bayramda qanaqadir o'zgacha sovg'a berib, ularning ko'nglini olishni istaysan kishi. Bir qarashda, bu qiyin masala dersiz, lekin biroz e'tibor bersangiz, sovg'a tanlash juda maroqli. Qimmat bo'lishi ham shart emas, aslida. Asosiysi, e'tibor!

**Inobat
NODIRSHOH
(jurnalist):**

– Bu bayram sovg'asi rostdan ham unutilmas bo'lgan. O'g'lim taxtadan soat yasab, sharikli ruchkada unga raqamlar chizib chiqqan. Yonida bir parcha qog'ozga yozilgan xat ham bor edi, "Men sizni baribir yaxshi ko'raman". Bir qarashda juda g'aribona ko'ringan bu sovg'adan juda ta'sirlandim. Chunki biroz oldin yo'qolib qolgani uchun uni qattiq jazolagandim. Jajji qo'lchalari bilan tayyorlagan sovg'asi har qanday qimmatbaho buyumdan a'lo edi. Bundan juda xursand bo'ldim. Bolam katta bo'lib, sovg'a beradigan bo'lib qolibdi, deb sevinganman.

**Bugungi
sahifamizda
ayollarimiz bilan
suhbat qurib,
ularning xotirasidan
joy olgan unutilmas
sovg'alar haqida
yozdik.**

**Muqaddas
KARIMOVA (o'qituvchi):**

– Har bayramda qarindosh-urug' dasturxon atrofida yig'ilamiz. Oshxonada asosan erkaklar bosh rolda bo'lishadi. Biz ayollar uchun taom tayyorlashadi. To'g'ri, aslida ishimizni ko'paytirishsa-da, bu bizga yoqadi (*kuladi*). Chunki ular har doim ham oshxonaga kiravermaydi. Bir galgi bayramda turmush o'rtog'im menga soch uchun to'g'nog'ich sovg'a qilgan. Bu kichik sovg'a bo'lsa-da, men uchun olingan edi. Haligacha o'sha to'g'nog'ichni asrab kelaman, u juda qadrli.

**Muhayyo
MAHKAMOVA (psixolog):**

– Kechki payt ishdan qaytib, qizim bilan choy ustida suhbatlashib o'tirganimizda, eshik qo'ng'irog'i bosildi. Chiqsam, bir notanish kishi qo'lda katta qutisi bilan turgan edi. "Bu sizga", dedi. "Nima? Kimdan?" deganicha qoldim. Qutida biz anchadan beri olishni rejalashtirib yurgan changyutkich bor edi. Juda xursand bo'ldik. Hayotimda kutilmagan bu sovg'aning egasi kimligi hozirgacha noma'lum.

**Muharram
TOJIQULOVA (tarjimon):**

– Turmush o'rtog'imning bayram sovg'asi haligacha yodimda. Bir kun oldin tort olib kelib, uni balkonga, deraza yoniga qo'ygan ekanlar. Ertalab menga syurpriz qilmoqchi bo'lib qarasa, qushlar ham rosa bazm uyushtirishibdi (*kuladi*). O'xshamagan bo'lsa-da, men uchun harakat qilganidan xursand bo'lganman. Har gal bayram dasturxon atrofida yig'ilganimizda bu voqeani eslaymiz.

**Madina
SADIKBAYEVA
(Mobiuz kompaniyasi
guruh rahbari):**

– Turmush o'rtog'imning bayram sovg'asi haqiqatan ham esda qolarli bo'lgan. Yaqinlarimizni bayram bilan tabriklashga bordik. U yerda maza qilib o'tirdik, diydorlashdik, suhbatlashdik. Uyga qaytgach, turmush o'rtog'im menga chet el safari uchun chiptalarni taqdim etdi. Xursandchiligimning cheki yo'q edi. Safar ham ko'ngildagidek maroqli o'tgan.



**Sevara
QOSIMOVA
(uy bekasi):**

– Men uchun esda qolarli, unutilmas sovg'a bolalarimning sovg'asi bo'lgan. Bog'chada yasab kelgan tabriknomasi oq qog'ozdan gul yasab, bezatilgan edi. Juda xursand bo'lganman, men uchun harakat qilib bajargan ishi haqiqiy tuhfa bo'lgan. Bolalarning sovg'asi boshqacha bo'ladi. Ularda samimiylik, beg'uborlik ufurib turadi, chin dildan tayyorlaydi-da. Ularni hozirgacha saqlab kelaman.



**Zulfiya
NOSIROVA (shoira):**

– Hayotimda unutilmas sovg'alar juda ko'p bo'lgan, lekin 50 yoshimda tug'ilgan kunim va ayollar bayrami arafasida "Atirgul" tanlovida o'rin olishim haqiqatan ham unutilmas bo'lgan. Ayol kishining oilasi, yaqinlaridan olgan sovg'asi boshqacha, ammo davlat tomonidan e'tirof etilishi bu yuksak e'tibor namunasidir.





ЧИН СЎЗ ТАРОВАТИ

Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Vatanparvar» газетаси мухбири Инобат Иброҳимованинг «Чинни», «Қуёш қўшиғи» китоблари тақдими бўлиб ўтди.

Ўзининг ҳаётий, таъсирли, воқеаларга бой, ибратли ҳикоялари билан танилган адибанинг тантанали тақдимида адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия қўшинларида хизмат қилаётган китобхон ҳарбий

хизматчилар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ёзувчилар Қулмон Очил, Луқмон Бўрихон, Шаҳодат Исахонованинг адиба ҳикояларига бағишланган самимий маъруза ва таҳлиллари Инобат Иброҳимованинг ижодий оламини

роқчиларини ёзувчи шахсияти билан яқиндан таништирди.

– Ушбу китобга жамланган мўъжаз лавҳаларда инсон умрининг турфа манзаралари турли давр, турли ёш ва турли касб эгаларининг ҳаёти гўё қуроқ – мозаика шаклида намоён бўлади. Манзараларки, гоҳ фараҳбахш, гоҳ маъяс, гоҳ ўйчан. Инсон умри бир текис эмас, – дейди таниқли ёзувчи Қулмон Очил. – Ўзибор берилса, бу манзараларни бирлаштириб, улар-

га тўқислик бағишлаб турадиган умумийлик бор – барчамизга таниш ўзбекона турмуш, орамиздаги таниш одамлар. Бири ўзимизга ўхшаса, иккинчиси қўшимизга ўхшайди, бошқаси ака-ука, опа-синглимиз, ота-онамиз, ҳамкасбларимизни эслатади.

– Инобат Иброҳимовани таниганимдан буён беқиёс ҳикояларининг шайдосиман. Улардан яна ҳам кўпроқ ўқувчилар, ёшлар, керак бўлса, бутун жаҳон баҳраманд бўлишини хоҳлайман. Ана шундай ҳақли истак йўлида адибанинг ижодини бошқа тилларга ҳам таржима қилиб, хорижий давлатларда нашр этиш ишларини ҳам жадал олиб бораётганимиз, – дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси масъул ходими, шоира Наргиза Асадова.

Тақдимот илиқ фикр-мулоҳаза ва эътирофларга бой бўлди.

**Комила ЁДГОРОВА,
ЎзЖОКУ талабаси**



@Vatanparvargazetasi_bot
"Vatanparvar" birlashgan tahririyati
bilan bog'lanish uchun telegram bot

DIL DAFTARI

Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,
Ёға бошлар қоғозга кўнғил.

Рауф ПАРФИ

БАҲОРНИНГ

Баҳор... Сенинг ташрифинг ила бутун олам қайта яшаради, инсонлар учун тақдим этган гулу лолаларинг эса бизни яна бир бор гўзаллик дунёсига чорлайди.

Биз учун илинадиган яна бир неъматинг бу – ёмғир. Ёмғир – баҳорнинг йиғлоқи қизи. Азал-азалдан ёмғир тўқин-сочинлик рамзи бўлиб келган, бобо деҳқонларимиз ёмғир сўраб, турли хил маросимлар ўтказишган. Лекин бу йил ёмғир сўраб, маросим ўтказишга ҳожат қолмади. Оллоҳим барокати ила ёмғир билан хўп сийлади. Энди деҳқонларимизнинг ҳосиллари мўл бўлиб, халқимизнинг дастурхони турли ноз-неъматлар билан тўлади.

Кимга қандай-ку, лекин мен ёмғирни яхши кўраман. Ёмғир ёғаётган паллада инсон кўнглини қандайдир маҳзунлик чулғаб олиши рост. У ўз сеҳри билан сени хаёлот оламига олиб кетади. Ҳар сафар ёмғир ёғаётганда шоир Рауф Парфининг «Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар» номли шеъри ёдимга келади:

Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,
Томчилар, томчилар сочимга.
Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,
Ҳам қайғумга, ҳам қувончимга.

Шоир айтганидек, ёмғирнинг ҳар томчиси бизни чуқур ўйга толдиради. Шигалаб ёғаётган ёмғир кимгадир олисларда қолган, етиша олмаган севгисини ёдига солса, кимгадир яна бир бора қайтишни истаган беғубор болалик дамларини эслатади. Яна кимдир узоқ йиллардан бери кўришмаган кадрдонини эслайди, кимдир эса кўнғил тубида ҳали ҳеч кимга айтиб улгурмаган орзу-армонларини ўйлаб, хаёллар оғушида кезади. Кимдир бўлса, шунчаки иссиқ қаҳва дамлаб, деразадан ташқарини, табиатни томоша қилишни хуш кўради. Орамизда шундай инсонлар ҳам борки, ёмғир майдалаб ёғаётган маҳал сайрга чиқишни ёқтиради.

Тунов куни ёмғир шигалаб ёғаётган маҳал ишдан уйга қайтар чоғим, дераза ойнасидан ташқарига ўйчан нигоҳ билан боқиб турган бир онахонга



ЙИҒЛОҚИ ҚИЗИ

кўзим тушди. Нигоҳидан нималарнидир англашга уриндим. Онахон ўтган умрига разм солиб, сарҳисоб қилаётганмикин ёки узоқлардаги энг яқин инсонини, балки ишдан ортмай хабар олмаётган фарзандини ўйлаётганмикин, бетизгин болалик хотиралари уни бир зумга чорлаётганмикин, балки армонга айланган орзулари уни ўз гирдобига тортдимикин. Билмадим, нима бўлганда ҳам онахон ўз хаёллари билан фақат ўзигагина тегишли бўлган дунёсида эди. Мен ҳам шу ўй-хаёллар ичида манзилимга етиб келдим...

Ёмғир, сен инсонларга қанчалик кераксан, уларни замонамизнинг шиддатли суронларида бир дам тўхтаб, ўтган умрига разм солишга, қалб ойнасини очиб, унга яна бир бор боқишга ундайсан. Ижод аҳли учун эса битмас-туганмас илҳом манбаисан. Ҳар бир ёғаётган томчинг билан юртимизга барокат олиб кел!

Ёмғир... Сен баҳорнинг йиғлоқи қизи.

**Хуршида СУЛТАНОВА,
Яшнобод туманидаги
339-умумтаълим
мактаби ўқитувчиси**

SHU SONNING
ELEKTRON SHAKLI



VATANPARVAR

MUASSIS



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MUDOFAA
VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

Tahririyat kengashi:

general-mayor Hamdam Qarshiyev
polkovnik Otabek Yuldashev
polkovnik Alisher Boboxonov
Maqsud Abilov

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Gazeta Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – "Vatanparvar" birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Bosh muharrir:

podpolkovnik Ahror Ochilov

ISSN 2010-5541

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50
buxgalteriya: 71 260-35-20
yuridik bo'lim: 71 260-29-41
faks: 71 260-32-29

Navbatchi: kapitan Aziz Norqulov

Sahifalovchi: Nodirabegim Ne'matova
Musahhih: Sayyora Mirzayeva

Buyurtma: G-0305
Hajmi: 6 bosma taboq
Bichimi: A3
Adadi: 35 507 nusxa
Bosishga topshirish vaqti: 14:00
Topshirildi: 14:30

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.
Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga "O'zbekiston" NMIU mas'ul.

Gazeta juma kuni chiqadi.
Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqq boshlagan.

Nashr ko'rsatkichi: 114.
Bahosi: kelishilgan narxda.

"O'zbekiston" nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:
100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.